85.113
(5Ў)
Ў 30

УЗБЕКИСТОН
ОБИДАЛАРИДАГИ БИТИКЛАР

БУХОРО

АРХИТЕКТУРНАЯ ЭПИГРАФИКА УЗБЕКИСТАНА

БУХАРА

ARCHITECTURAL EPIGRAPHY OF UZBEKISTAN

BUKHARA

БИРИНЧИ ҚИСМ
ПЕРВАЯ ЧАСТЬ • PART ONE

Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart

Ilgari berilmalar miqdori _____



CHIRCHIQ SANOAT KASB-HUNAR KOLLEJI
"AXBOROT RESURS
MARKAZI"
№ 36
"04" 10 2017 y



Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланади
Посвящается 25-летию государственной независимости Республики Узбекистан
Dedicated to the 25th anniversary of Uzbekistan's national independence

ТОШКЕНТ • «UZBEKISTAN TODAY» • 2016



Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган.

Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади.

Ислом КАРИМОВ

Более четырех тысяч памятников материальной и духовной культуры, имеющихся в нашей стране, внесены в список ЮНЕСКО в качестве редчайших образцов мирового наследия.

Древнейшие образцы письменности на камне, разные виды эпиграфики, образцы устного народного творчества, а также тысячи рукописей, созданных мыслью и гением наших великих предков, хранятся сегодня в библиотеках страны и являются богатым национальным достоянием. В мире не так уж много народов, обладающих таким огромным духовным наследием.

Ислам КАРИМОВ

Uzbekistan is home to more than 4,000 monuments of material and spiritual culture, which have been included in the UNESCO World Heritage List as rare samples of world heritage.

The earliest patterns of stone inscription, various epigraphic types of writing, folklore and thousands of manuscripts created by the thought and the genius of our great ancestors are kept in the libraries of our country and they constitute our immense cultural wealth. Few nations in the world can boast so tremendous a spiritual legacy.

Islam KARIMOV



АРХИТЕКТУРНАЯ ЭПИГРАФИКА УЗБЕКИСТАНА

БУХАРА

ARCHITECTURAL EPIGRAPHY OF UZBEKISTAN

BUKHARA

ПЕРВАЯ ЧАСТЬ • PART ONE



Пайғамбар (а.с.) айтдилар: «Илмни Хитойда бўлса ҳам изланглар!»

Пророк – мир ему! – сказал: «Ищите знания даже в Китае».

The Prophet, peace be upon him! – said: «Seek knowledge even in China».

ЎЗБЕКИСТОН ОБИДАЛАРИДАГИ БИТИКЛАР

БУХОРО

БИРИНЧИ ҚИСМ

ТОШКЕНТ • «UZBEKISTAN TODAY» • 2016

ерда сарой, масжид ва девон, қабулхона, хазина, улкан кутубхона (ёш Абу Али ибн Сино шу ерда шуғулланган), зиндон, соқчилар уйлари, заргарлик ва ҳунармандчилик устахоналари жойлашган эди.

Ичқари шаҳар тарихан тўрт қисмга ажратилган бўлиб, мазкур қисмлар бугунги кунда ҳам рельеф жиҳатидан бир-биридан ажралиб туради. Ичқари шаҳарда бинолар зич қурилган, чуқур хандақ ва еттита дарвозахонаси бўлган мустаҳкам девор билан ўраб олинган эди. Улардан айримлари эса замон силсиласида ўзгариб турган бир канча ном билан аталган. Шарқий деворда Мох дарвозаси (Бозор, Мадина, Шаҳристон, Аттарон), Кўҳандизга қараган ғарбий деворда эса Бану Саъд ёки Саъдобод, Бану Асад (исломдан аввалги номи Муҳра), Кўҳандиз, Ҳақрох (Хоқрох) ёки Ҳуфра (ер ости тоннели – лаҳм) сингари тўртта дарвоза, шимолий деворда Нур дарвозаси, Х асрнинг ўрталаридан бошлаб Мансур дарвозаси, шарқий деворда эса Самарқанд ички дарвозаси ёки Нав дарвозаси жойлашган эди.

Ўрта асрлар муаррихлари асарларида Бухоро, ҳаддан ташқари кўп ишлатиладиган таъбир билан айтганда, «бир-бирига зид манзараларга бой бир шаҳар» сифатида киши кўзи олдида намоён бўлади. Кенг кўчалар, хушифор ҳаммомлар, чиройли бозорлар, муаззам масжидлар, адолатли сультонлар, шаҳар аҳолиси фаровон яшаши ва саводхон эканлиги, яхши ва сифатли озиқ-овқатлар истеъмол қилиниши сингари бир қатор ижобий ҳолатлар баробарида пешайвони бўлган чўпкори иморатлар ва тор уйлар шаҳарда ниҳоятда зич қуриб ташланган, тураржой қимматлиги, қудуқларнинг суви шўрлиги, ҳаво етишмайдиган савдо расталари, аҳлат тўлиб кетган ариқлар, тезтез рўй бериб турадиган ёнғинлар ва ҳоказо салбий жиҳатлар ҳам қайд этиб ўтилган.

XI аср бошида, сомонийлар сулоласи тахтдан қулаши ва пойтахт шаҳар мақомидан марҳум бўлиб қолиши асносида Бухоро чуқур сиёсий ва иқтисодий инқироз сари қадам қўйди.

Қалъада ҳар замон-ҳар замонда одамлар истиқомат қилар, аммо Шаҳристони дарун (Ичқари шаҳристон) дурустгина истеҳкомланган ва тураржойлар зич қилиб қурилган бир ҳолатда сақланар эди. Ташқари шаҳар – Работ эса, асосан, савдо-ҳунармандчилик мавзеларида, Мох ёки Аттарон бозорлари атрофларида тураржойлар зич қилиб қурилган ва аҳоли тиғиз яшайдиган масканлигича қолди. Ҳувиллаб ётган тураржой мавзеларида аста-секин қабристонлар вужудга кела бошлади. Айни маҳалда келгинди кўчманчилар ҳукмдорлари бўлмиш қорахонийлар сулоласи вакиллари Бухорога эътибор билан қараш ди. Уларшаҳаристеҳкомдеворларинимустаҳкамлашди, масжид, мадраса, ҳаммомлар қуришди, боғ ва чорбоғлар барпо этишди. Қорахоний Арслонхон Муҳаммад ибн Сулаймон (1102–1130 йилларда ҳукмдор)дан яхши ном ва хотира қолган. Бугунги кунгача шаҳарда унинг номидан бунёд этилган икки иншоот қад ростлаб турибди. Булардан бири Пойи Калон меъморий ансамбли пойдевори бўлиб хизмат қилган ажойиб Минораи Калон ва шаҳарнинг жанубий қисмида, қалъа деворидан ташқарида жойлашган, ҳайит намозлари ўқиладиган Намозгоҳ масжиди ана шу ҳукмдордан бир ёдгорлик саналади. Шаҳар ҳокимлари – бурҳонийлар сулоласидан бўлмиш садрлар – тасаввуфнинг *хожагон* (кейинчалик *нақшбандия*) тариқати издошлари бўлмиш маърифатли кишилар масжидлар, ҳайрия муассасалари бунёдкорлари ва бой жамоат кутубхонаси соҳиблари сифатида донг таратган эди. Аммо бу даврда ҳам мамлакатда барқарорлик ва осойишталик таъминланмади. 1089 йили қорахонийлар салжуқийларга қарам бўлиб қолган, 1141 йили эса қорахитойлар вассалига айланишган эди. Ниҳоят 1212 йили Муҳаммад Хоразмшоҳ корахонийларни сиёсат саҳнасидан узил-кесил суриб ташлади.

1220 йил февралида улкан лашкарга бош бўлган Чингизхон Бухорога етиб келди. Ўша давр муаллифи таъбири билан айтганда, *«келдилару емирдилару ёндирдилару ўлдирдилару таладилару кетдилар» («омаданду кандану сўхтанду куштанду бурданду рафтанд»)* Чингизхоннинг ўғли – Чиғатой улуси таркибига кирган Бухоро шаҳри кейинчалик 1238, 1263, 1273 – 1276 йилларда ҳам қаттиқ бузғунчилик ва вайронкорликка мубтало этилди.

1316 йил кузида Ҳулагу улуси (Эрон, Ироқ ва Кавказорти) мўғулларининг Бухоро шаҳри ва воҳасини сўнгги бора вайронага айлантиришди ва талон-тарож қилишди. Шу боис 1333 йили Бухоро оркали ўтган марокашлик саёҳатчи Ибн Баттутанинг: *«Бир нечасини эътибордан соқит қилганда, ҳозирги вақтда Бухоро масжидлари, мадрасалари ва бозорлари вайрона ҳолида ётибди»*, – дея ёзганига асло ажабланмаса ҳам бўлади[9].

Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даври(1370 – 1405 ва кейинги йиллар)да Бухоро муҳим ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ маркази, *«ислом гумбази»*, нуфузли шариат ва тасаввуф илми намояндалари ватани ва зиёрат маскани бўлиб қолаверди. Амир Темурнинг солноманавис котиби Ҳофиз Абрў сомонийлар давридаги шон-шавкатга бурканган Бухорони тасвирлаб беради, ўзига замондош шаҳар ҳақида эса қисқача шундай деб ёзади: *«Гарчанд ўтган замон билан таққослаганда мавжуд нарсаларнинг ўндан бири ҳам қолмаган бўлса-да, бошқа донгдор шаҳарлар билан қиёслаганда, ўз замини серҳосиллиги ва тинч-фаровон турмуши боис Бухоро шаҳрини «жаннат боғи» дея аташ мумкин»*[10].

Бухоро шаҳрида Амир Темур даврида барпо этилган айрим бинолар сақланиб қолган. Соҳибқирон номидан Намозгоҳ мукаммал таъмирланган, Масжиди Калон қайта тикланган ва Ҳазрат Имом хилхонасида хонақоҳ қурилган, Амир Ҳажжож исмли шахс эса қадимий зиёратгоҳ устида Чашман Айюб мақбарасини бунёд этишга бош-қош бўлган эди.

Кастилия (Испания) элчиси Руи Гонсалес де Клавихо буюк Амир Темур саройига келган элчилар билан 1404 йил кузида ватанига қайтаётганда Бухородан ҳам ўтганини тилга олади: *«Бояр (Бухоро) деган бир шаҳарга етиб келдик. У кенг текисликда жойлашган, пахса девор ва сув тўла чуқур хандақ билан ўралган экан. Бир чеккасидаги қалъа ҳам пахсадан қурилган, негаки бу заминда тўсиқлар ва деворлар қуриш учун тош йўқ, қалъа яқинидан дарё оқиб ўтади. Шаҳар атрофида катта ерлар бор, у ерда ҳам катта-катта иморатлар қурилган. Шаҳар нон, гўшт, шароб ва шу каби егуликларга бой ва бу ерда бошқа кўплаб товарлар ҳам мавжуд. Бу шаҳарда элчилар ўзларига керакли ҳамма нарсани олдилар, бу ерда уларга отлар ҳам беришди»*[11].

XIV – XV асрлар чегарасида таниқли сўфий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандининг мурид Хожа Муҳаммад Порсо (1420 йили вафот этган) Бухорода хонақоҳ, ҳаммом, мадраса барпо эттирди, катта Хожа бозорига асос солди. Хожа Муҳаммад Порсо мадрасасида улкан кутубхона жойлашган, унда йиғилган қўлёзма китоблар орасида XII асрда кўчирилганлари, энг қадимийлари ҳам бор эди[12]. Амир Темурнинг вориси – Шоҳрух Мирзо (1404 – 1447 йилларда темурийлар давлати мутлақ ҳукмдори) бухоролик шайхлар, шу жумладан, Хожа Муҳаммад Порсо билан кўпинча *«мусулмонлар ишларини тартибга солиш мақсадида»* маслаҳатлашиб турар эди.

1405 йил баҳорида, Амир Темур ўлимидан кейин, тахт учун ўзаро урушлар арафасида Мирзо Улуғбек (1409 – 1449 йилларда пойтахти Самарқанд бўлган Моваройуннаҳр ҳукмдори) ва Иброҳим Султон ўз хазиналари ва васийлари билан бирга Бухорога қараб

[9] Путешествия Ибн Баттуты. 264-бет.

[10] Ҳофизи Абрў (Шаҳобиддин Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳ ибн Абдурашид ал-Ҳиравий) таниқли тарихчи, Амир Темурнинг котиби бўлиб хизмат қилган ва унинг юришларида иштирок этган. Шоҳрух Мирзо ҳукмронлиги даврида унинг саройида бош котиб бўлган. Қаранг: Бартольд В.В. Хафизи Абру и его сочинения. 89-бет.

[11] Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия... 145-бет.

[12] Muminov A.K., Nekrasova E.G., Zlyodov Sh. Ju. La «bibliotheque de Khwāja Muhammad Pārsā»... P. 17–41.

йўлгачиқишадиваАрккалъасидатўхташади. Бу ерда улар бир ой давомида шаҳар деворлари ва дарвозаларини мустаҳкамлаш билан машғул бўлишади. Кейинчалик эса Шоҳрух Мирзо ўғли – Мирзо Улуғбекни пойтахти Самарқанд ва аҳамияти жиҳатидан иккинчи шаҳри Бухоро бўлмиш Мовароуннаҳр ноиби этиб тайинлайди. 1417 йили Бухоро шаҳрида Мирзо Улуғбек мадрасаси қурилиши ниҳоясига етказилди. Бироқ узлуксиз ҳарбий юришлар, элчиларни қабул қилиш ва «Ўгабегим» деган завжаси таъзияси билан банд бўлган Мирзо Улуғбек буюртмачи сифатида янги мадрасани фақат 1419 йил ноябридагина ўз кўзи билан кўрди. Мирзо Улуғбек ўз мадрасасида тўхтади, талабалар ва бошқа «муносиб кишилар»га совға-салом улашди. Унинг собиқ оталиғи, Хоразм ноиби Амир Шоҳмалик Мирзо Улуғбек учун Бухорога ўзининг шунқор соқлувчи навкарларини жўнатди. Ҳижрий 825, яъни милодий 1421-22 йили Мирзо Улуғбек Бухорода Тибетдан келган элчиларни қабул қилди. Ҳижрий 832, яъни милодий 1428-29 йили зарбхона қурилиши ишлари билан шуғулланди, Бухоро зарбхонаси бир неча ўн йиллар мобайнида бутун Мовароуннаҳрни мис чақалар билан таъминлаб келди[13].

Мирзо Улуғбек ўлдирилганидан сўнгра Мовароуннаҳрдаги темурийлар давлатига аввалига Султон Абусаид Мирзо (1451–1469), кейин эса Султон Аҳмад Мирзо (1469–1494) ҳукмдорлик қилди. Улар давлат бошқарув ишларини ўз муршиди – накшбандия тасаввуф тариқати пешвоси Хожа Аҳрор Валий раҳнамолиги остида амалга оширган эди. Бухорода эса темурий султонлар номидан тархонлар ҳокимият юритарди. Тархонларнинг шаҳардаги фаолияти излари ҳозирча аниқланган йўқ. Фақат шу нарса аниқки, Бухородаги иккита ҳаммом ва Самарқандда ўзи асос солган Хожа Аҳрор мадрасаси фойдасига келиб тушар эди[14].

Пойтахти Ҳирот бўлган Хуросондаги темурийлар давлатини Султон Ҳусайн Мирзо (1469 – 1506 йиллар ҳукм сурган) бошқарди.

Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида (1500 – 1601 йиллар) Бухоро шаҳри аввалбошда улуслардан бири маркази мақомида, кейин эса бутун бошли давлат пойтахти мақомида бўлиб келди.

Бухоро тарихи, маданияти ва меъморчилигида шайбонийлар сулоласининг уч вакили алоҳида ўрин тутади. Убайдуллахон (1512 йилдан бошлаб Бухорони бошқарган, 1533–1540 йилларда эса бутун ўзбеклар хони – Олий ҳукмдор бўлган) – Шайбонийхон (1500–1510 йиллар ҳукм сурган) ҳалок бўлганидан кейин ўзаро урушларга чек қўйган ва Бухоро биноларини тиклашга бор куч-ғайратини сарфлаган саркарда ва баҳодир. У *«Убайдий»* тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган. Уни шахсан билган замондошларининг хотираларига қараганда, бу ҳукмдор ўз даврининг илғор ва етакчи сиймоси бўлган. Унинг *«маданий савияси темурийлар раҳнамолари саводхонлик даражасидан асло қолишмасди»* ва у *«ўз кутубхонасига кўпроқ эътибор берар эди»*. Унинг маънавий-руҳоний муршиди – мураббийси накшбандия тасаввуф тариқатига мансуб сўфий Махдуми Аъзам (1542 йили вафот этган) ва Амир Абдуллоҳ Яманий – Мир Араб (бу зот ҳақида ушбу альбомнинг *«Мир Араб мадрасаси»* қисмига қаранг) бўлган. У хаттотлик бобида еттита ҳуснихат усулини, айниқса, *насх* ва *настаълиқ*ни ниҳоятда яхши эгаллаган, Қуръоннинг бир неча нусхаларини кўчириб, Макка ва Мадинага жўнатган эди.

Шайбонийлар даврида давлат пойтахти бўлган Бухоро шаҳри илм ва маърифат кишилари жамланган бир гўшага айланди. Убайдуллахон даврида Бухородаги илму ҳунар аҳли шундай юксак бир даражага эришдики, бу жиҳатдан шаҳар Султон Ҳусайн Бойқаро замонасидаги Ҳиротни ҳам эсга солиб турар эди[15].

[13] Давидович Е. А. История денежного обращения... 170–175, 318- ва уидан кейинги бетлар.

[14] Самаркандские документы XV–XVI вв. 272-, 279-бетлар.

[15] Мирза Муҳаммад Хайдар. Та'рихи Рашиди. 357–358-бетлар; Норик Б.В. Биобиблиографический словарь... 503–508-бетлар.

Убайдуллахоннинг ўғли – Абдулазизхон (1533 йилдан Бухорода ҳукмдорлик қилган, 1540 йилдан бутун ўзбеклар хони, 1550 йили ҳаётдан кўз юмган) ҳам бетакрор ва истеъдодли инсон эди. Замондошларининг сўзларига қараганда, Абдулазизхон олим ва шоирлар ҳомийси бўлган, *«наср ҳуснихатида ажойиб хат битар, шеър ёзиш билан машғул бўлган»*[16], *«Азизий»* деган тахаллус қўллаган. У машҳур Бухоро кутубхонасига алоҳида эътибор билан қараб, унга ҳомийлик қилган. Бу даргоҳ сарой маданий ҳаётининг ўзига хос маркази бўлиб, Бухоро-Самарқанд бадиий хаттотлик мактаби шаклланишида катта роль ўйнаган эди. Ана шу маърифат даргоҳи Мовароуннаҳр миниатюра рассомчилиги мактаби шаклланишига катта таъсир кўрсатди[17].

Айнан Абдулазизхон ҳукмронлиги даврида Бухорода реконструкция – мукаммал таъмирлаш ва янги бинолар барпо этиш жараёни бошланган эди. Бу, айниқса, Бухоронинг эски бозори жойлашган нуқталарда яққолроқ кўзга ташланади. Атторон масжиди мукаммал таъмирланган ва масжид, ҳаммом ва савдо-сотиқ тими (чорсу)ни ўз ичига олган Саррофон меъморий ансамбли билан тўғри йўл билан боғланган эди.

Абдуллахон ҳукмронлиги даврида (1557–1598, 1583 йилдан бутун ўзбеклар – шайбонийлар давлати улуғ хони) XVI асрнинг иккинчи ярмида Жўйбор шайхлари ерлари (50 – 60 гектар) шаҳар сарҳадига қўшиб олингач, унинг ер майдони 500 гектарга етди. Шаҳарда реконструкция ишлари давом эттирилди, ана шу таъмирлаш ва такомиллаштириш жараёнида эски тўкилган бинолар таъмирланган ёки бутунлай бузиб ташланган ва айрим кўчалар кенгайтирилган эди. Эски шаҳар ва Янги шаҳар бозорлари ҳудудида меъморчилик мажмуалари – масжидлар, ҳаммомлар, карвонсаройлар ва ҳоказоларни ўз ичига олган ўзига хос диний-ижтимоий марказлар вужудга келди. Бозорлар кенгайиб бориши асносида тураржой биноларини сиқиб, нари суриш жараёни ҳам ёнма-ён кечди. Янги тураржой мавзелари, хонақоҳ ва масжидлар Бухоро чеккаларидаги одамлар бир маҳаллар ташлаб кетган масканларда бунёд этила бошлади. Абдуллахон ва унинг амирлари, уларнинг орасида энг нуфузлиси Қулбобо Кўкалдош (1594 йили ўлдирилган), накшбандия тасаввуф тариқати пешвоси Хожа Ислом Жўйборий (1563 йили вафот этган), кейин эса унинг ўғли – Хожа Саъд Жўйборий (1589 йилда вафот этган) қурилишларнинг асосий донаторлари – ҳомийлари ва буюртмачилари сифатида иш кўрган эди.

Шайбонийлар ва кейинчалик аштархонийлар ҳукмронлиги даврида Жўйбор шайхлари тасаввуф сулоласи мамлакатда жиддий сиёсий ҳокимиятга эга бўлган эди (XVI асрнинг иккинчи ярми – XVII аср). Бухоронинг Жўйбор деб аталган жанубий қисмидаги шаҳар тумани ўзини ўзи бошқарувчи маъмурий бирлик мақомига эга бўлган.

XVII аср – XVIII асрнинг биринчи ярмида Бухорода шайбонийларга қариндош бўлган аштархонийлар сулоласи ҳукмронлик қилди.

XVIII аср ўрталаридан то 1920 йилга қадар Бухоро Манғит сулоласига мансуб амирлар давлати пойтахти бўлиб келди. Сулоланинг биринчи ҳукмдори Муҳаммад Раҳим (1747 – 1756 йилларда оталик, 1756 – 1759 йилларда амир) Бухоро ҳудудидаги фаолияти шаҳар ташқи деворларини таъмирлаш билан боғлиқ бўлди. Бирок, гарчанд Бухоронинг кўплаб бинолари тагтуби билан бузилган вайрона ҳолда ётган бўлса-да, Дониёлбий оталиқ ҳукмронлиги (1759 – 1785 йиллар) сўнгги йилларидагина мамлакатда нисбатан барқарорлик ва осойишталик кўзга ташлана бошлади. Унинг ворислари – ўғли Шоҳмурод Амири Маъсум (1785 – 1800) ва набираси Амир Ҳайдар (1800 – 1826) ҳукмронлиги даврларида уларнинг қўллаб-қувватлаши ва мадади билан мамлакатда накшбандия-

[16] Норик Б.В. Биобиблиографический словарь... 69–74-бетлар.

[17] Акимушкин О.Ф. Библиотека Шибанидов... 369–370-бетлар.

мужаддидия тариқати устуворлик қилиб келди. Бухоро ва унинг теварак атрофида сарой иншоотлари ва чорбоғлар барпо этиш тўхтаб қолди, улар бузиб ташланди, чиққан курилиш материаллари эса шаҳар ичида ва ташқарисида масжидлар қуриш ва таъмирлашга ишлатиб юборилди. Давлат хазинаси бўшаб, қашшоқлашиб колгани туфайли кенг кўламда мадрасалардаги хужраларни сотиш бошланиб кетди, шунингдек, уларнинг хусусий шахслар томонидан бунёд этилиши рағбатлантириб борилди. Шундай бўлса-да, «кашшоқлашув» замонида Бухорода бунёд этилган иккита меъморий мажмуа алоҳида қизиқиш уйғотади, булар – Халифа Худойдод хонақоҳи ва Халифа Ниёзқули ёки Чорминор мадрасаси мажмуалари.

Узоқ ўтмиш асрларда бўлгани каби, Бухоро Ўрта Осиё мусулмонлари учун ўзига хос улуғ зиёратгоҳ бўлиб қолаверди. Кўп сонли мозорлар – азиз-авлиёлар қабрлари ва қадамжолари кўпдан-кўп зиёратчиларни ўзига жалб этар эди. Бухорода яшаган таникли исломшунос олимлар мусулмон илоҳиётшунослиги марказида шариф шаҳарнинг обрў ва шуҳратини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшди.

XIX аср сўнгги чорагидан Бухоро амирлиги Россия империяси протекторатига – мустамлака вассалига айланиб қолди. 1888 йили Бухородан 10 километрча жанубий-шарқрокдан Каспий орти темир йўлининг линияси ўтказилди (1901 йили эса унинг бир шохобчаси шаҳарнинг Қарши дарвозасигача етказиб келинди). Когон станциясида Янги Бухоро шаҳрига асос солинди. Чор Россияси империяси сиёсий агентлиги ҳам шу ерда жойлашган эди. Ана шу палладан бошлаб XX асрнинг 40-йилларига қадар Бухоро хужжатларда «Эски Бухоро» тарзида қайд этиб ўтилади. Ўша даврда замонавий бўлган коммуникацияларнинг ўтказилиши феодал шаҳар капиталлашувига имконият яратиб берди ва унинг иктисодий ҳаётида ўз аксини топди. XIX аср-ки икки ўнйилликда курилиш шиддати авж нуктага кўтарилиши ҳам – айнан шу жиҳат билан боғлик. Қурилиш ҳомий ва мутасаддилари, асосан, савдогарлар эди. Улар маҳалла масжидлари, мадрасалар, карвонсаройлар барпо этди ёки борларини таъмирлади, айни маҳалда уларни ўз мадрасалари вакф мулки сифатида бириктириб ҳам қўйди.

XX аср бошларида Бухоро ҳудудида 232 та масжид ва хонақоҳ жойлашган эди. Қарийб 200 мадраса (олий, ўрта ва куйи, шулардан 73 таси масжидлар қошида бўлган) нинг йиллик вакф даромади 3 миллион 819 минг 100 танга ёки 572 минг 865 Россия империал рублига тенг бўлган. Шаҳар мадрасаларида жами ўн мингдан зиёд толиби илм таҳсил олган.

Бугунги кунда Бухорода қуйидаги кадимий бинoларни кўриш мумкин (шаҳарнинг замонавий қисмида жойлашганлари ҳам шулар жумласига киради): масжид ва хонақоҳлар – 65 та (намозгоҳ, жоме масжиди – 5, хонақоҳ – 20 та, бозордаги масжидлар – 7 та, маҳалла масжидлари – 34 та). Бундан ташқари, 29 та мадраса биносида ҳам масжидлар мавжуд. Мадрасалар биноси – 34 та. Шулардан 2 таси XV асрда, 5 таси XVI асрда, 3 таси XVII асрда, 6 таси XVIII асрда, 11 таси XIX асрда, 7 таси XX аср бошларида барпо этилган. Меъморий обидалар даврий оралиги IX – X асрлардан бошланиб, то XX аср бошларигача бўлган даврни қамраб олади.

Умуман олганда, Бухоро вилоятида бугунги кунда 997 та меъморий ва археологик ёдгорлик мавжуд. Уларнинг 660 таси маданий мерос объекти саналади.

Бухоро бағрида бой миллий тарихимиз – яширин. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1997 йилнинг 19 октябр куни Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганидек: *«Бухоро тарихига назар ташлар эканмиз, миллатимизнинг йигирма беш асрлик йўлини кўрамиз. Бухоронинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир тарихий ва маданий обидаси элюртимизнинг буюк иқтидори ва яратувчилик салоҳиятидан, юксак тараққиёт, илму маърифат, маънавият ва маданият, фалсафа ва дин равнақи йўлидан дарак беради»*[18].

Ўзбекистон истиқлолга эришган дастлабки йиллардан мамлакатда, шу жумладан, Бухородаги меъморий обидаларни давлат муҳофазасига олиш, асрлар тўс-тўполони, мустабид тузум сиёсати туфайли шикаст топган осори атиқаларни таъмирлаш, уларни асл ҳолига қайтаришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига тайёргарлик жараёнида Президент Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида Пойи Калон меъморий мажмуаси, Арк қалъаси, Мир Араб мадрасаси, Сомонийлар мақбараси, Болоҳовуз масжиди, хуллас, жами 28 маданий мерос объекти тўлиқ таъмирланди, улар ҳудуди ободонлаштирилди. Бухоро шаҳри тарихий марказидаги меъморий обидаларнинг ЮНЕСКО томонидан жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилгани ёдгорликларни муҳофаза қилиш масалаларига халқаро жамоатчилик диққат-эътиборини қаратди.

Бевосита Ўзбекистон давлати раҳбари бошчилиги ҳамда кўрсатмалари асосида Баҳоуддин Нақшбанд, Абдухолиқ Ғиждувоний меъморий мажмуалари қайта қурилиб, Марказий Осиёдаги энг гўзал зиёратгоҳларга айлантирилди. Чорбакр мажмуаси, Саййид Амир Қулол, Хожа Исматуллоҳ Бухорий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий зиёратгоҳлари қайта таъмирланди, Абу Ҳафс Кабир мақбараси, Беҳиштиён мақбараси, Шайх Жалол ва Самарқанд дарвозалари янгидан бунёд этилди. Булар мустақил Ўзбекистонда қадимий меъморчилик ва шаҳарсозлик анъаналари қайта тикланаётганига ёрқин мисол бўла олади.

Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда фақат Бухоро шаҳридагина эмас, балки, вилоят туманларида ҳам обидаларни таъмирлаш, зиёратгоҳларни ободонлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Али Ромитаний, Хожа Муҳаммад Бобо Самосий, Хожа Пешкў, Мулло Мир, Хожа Уббон, Хожа Заъфарон, Чибирдонота, Абдураҳмон Валий, Қизбиби зиёратгоҳлари қайта қурилди.

БУХОРО БИТИКЛАРИ

Бухорода ҳукмронлик қилган сулолаларнинг ҳар бири ўз даврида қадим Бухоро меъморий қиёфасини шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшган. Бунёд этилган иморатларнинг катта қисми сақланиб қолмаган ёки бутунлай қайта қурилган. Бухоро меъморий обидалари (шу жумладан, улардаги ноёб битиклар)нинг дастлабки тадқиқотчиларидан бири – ёш ислоҳотчи Мусо Саиджонов 1929 йилиёқ шундай ёзган эдики: *«Бухоро ёдгорликларидаги ёзувлар – ҳали ўқилмаган китоб, уларда турли даврларнинг кўпдан-кўп тарихий маълумотлари дарж этилган ва бундай ноёб қайдларни бошқа, жумладан, қўлёзма манбалардан топиб бўлмайди»*[19].

Исломгача бўлган даврда сўғд, хоразм, бохтар, ўрхун-энасой ва уйғур ёзувларига эга бўлган Марказий Осиё халқлари араб истилосидан сўнг, биринчидан, араб тилининг халифаликка тобе бўлган барча ўлкаларда расмий тилга айланиши, иккинчидан, юртимизда ислом динининг ёйилиши натижасида араб ёзувидан фойдаланишга ўтди. Арабларнинг қарийб бир ярим асрлик ҳукмронлиги тугаб, Мовароуннаҳр ва Хуросонда илк мустақил давлатлар вужудга келганидан сўнг, дин ва илм-фан тили сифатидаги нуфузини сақлаб қолган араб тили билан бир қаторда, эндиликда араб ёзувидан фойдаланишга ўтган форсий ва туркий тиллар ҳам давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида кенг қўллана бошлади. Биринчи босқичи IX–XII, иккинчи босқичи эса XIV – XV асрларда юз берган Ўрта Осиё Уйғониш даври юртимизда мисли кўрилмаган даражадаги илм-фан ва маданият тараққиётига сабаб бўлди. Ўзбекистон ҳудудларида етишиб чиққан жаҳонга машҳур алломалар

[18] Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон» нашриёти. 1998. 369-бет.

[19] Саиджонов М. Бухоронинг тарихий обидалари. Регистон – Маориф ва ўқитувчи, 1929 йил, 1–2-сон. 3-бет.

CHIRCHIQ SANOAT KASB-HUNAR KOLLEJI
"AXBOROT RESURS MARKAZI"
№ 36
"04" 10 20 17 y

дунё илм-фани ва маданияти ривожига катта хисса қўшишди. Натижада IX – X асрлардан то XX аср бошларигача бўлган давр ичида аждодларимиз томонидан арабий, форсий ва туркий тилларда улкан ёзма мерос яратилди. Ушбу меросга оид илмий ва бадиий асарларни қоғозга туширишда эса араб ёзувининг юксак санъат даражасида ривожланган турларидан фойдаланилди.

Пайдо бўлган давридан бошлаб бир неча тараккиёт босқичини босиб ўтган араб ёзуви вужудга келган турли ёзув услублари – хатлар фақат фикрни ёзувда ифодалаш воситасигина эмас, балки, ўқувчига юксак табиий (эстетик) завқ берувчи санъат асари сифатида ҳам танилди. Бу санъат Шаркда *«хуснихат»*, *«хаттотлик»*, Ғарбда эса *«каллиграфия»* номи билан кенг шуҳрат қозонди. Мазкур санъат усталари – хаттотлар ёки котиблар ўз даврларида катта обрў-эътиборга эга бўлиб, илм-фан, адабиёт ва санъат ахллари қаторидан жой олишди. Яъни хаттот ёки котиб оддий техник ишни – китоб кўчиришни бажарувчи ходимгина эмас, балки ўз замонасининг маданий ҳаётида муҳим роль ўйнаган илм-маърифат ахли ва йирик маданият арбоби ҳам ҳисобланган.

Йигирма саккиз ҳарфдан иборат бўлган араб алифбосининг дастлабки шакли тик чизиқлар билан ифодаланадиган маъқалий хати бўлиб, узок истеъмолда бўлмаган. VII асрдан бошлаб унинг ўрнини араб ёзувининг энг қадимги ва энг машхур турларидан бўлган куфий хати эгаллади. Шундан сўнг *маъқалий* ва *куфий* хатлари асосида *сулс*, *насх*, *муҳаққақ*, *райҳоний*, *тавқиъ*, *риқоъ* ва *таълик* деб номланувчи етти хат тури яратилди. IX – X асрларда ушбу хат турлари (масалан, *тумор*, *губор*, *мусалсал*, *девоний* ва бошқалар) юзага келди. Ундан кейинги асрларда араблардан бошқа мусулмон эллар – форсийзабон ва туркийзабон халклар томонидан хам *шикаста*, *настаълиқ*, *уйғурий* ва шу каби бошқа кўплаб хат турлари ихтиро килиниб, кенг истеъмолга киритилди.

Араб ёзувидаги хат турларининг ҳар бири махсус ўринларда қўлланилган. Масалан, *куфий* хати накшин безаклар солишда, *насх* хати китоб матнларини кўчиришда, *сулс* хати меъморий иншоотлар пештокларига ёзувлар ва лавҳалар битишда, *тавқиъ* хати имзо қўйишда, *риқоъ* хати мактублар ёзишда қўлланган. Ушбу хат турларининг ҳар бири ўз навбатида ингичка – *хафий* ва йўғон – *жалий* каламларда ёзилган. *Настаълиқ* хати эса, асосан, форсий ва туркий тилларда битилган бадиий ва тарихий асарларни ёзишда диёримизда кенг қўлланиб, унда кўплаб китоблар битилган. Кейинги асрларда диёримизда ҳар бир матн, асосан, уч тур хатда: оят ва ҳадислар – *насх*, оддий матнлар – *настаълиқ*, боб ва бўлимлар сарлавҳалари эса – *сулс* хатида кўчирилган.

Бир неча тараккиёт босқичини босиб ўтган Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихини биринчи навбатда икки катта даврга бўлиш мумкин:

1. Араб истилосидан темурийлар ҳокимият тепасига келгунга қадар бўлган давр (VIII асрдан XIV аср 70-йилларигача).

2. Темурийлар ҳукмронлиги бошидан – XX аср 20-йилларигача.

Ушбу икки даврдан ҳар бирини эса, ўз навбатида, бир неча босқичга бўлиш мумкин. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тараккиёти тарихининг биринчи даврида, асосан, VII – X асрларда Араб халифалигининг марказий шаҳарлари – Макка, Куфа ва Басрада яратилиб, кейинчалик халифаликнинг бошқа ҳудудларига тарқалган хат турларидан фойдаланган ҳолда арабий, форсий ва туркий тиллардаги асарларни китобат қилиш асносида *Мовароуннаҳр хаттотлик мактаби* вужудга келди. Ахмад ибн Умар Ашъас Абу Бакр Самарқандий (XI аср), Ахмад Табибшоҳ Мовароуннахрий (вафоти – 1215 йил), Али Банокатий (XIII аср), Жамшид Шоший (XIV аср) ва шу каби бошқа кўплаб хаттотлар ушбу мактаб вакиллари сифатида донг таратди.

Темурийлар сулоласи ҳукмронлиги билан боғлиқ равишда XIV – XV асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда юз берган иккинчи Уйғониш даври Ўрта Осиё хаттотлик санъати тараккиёти тарихида ҳам иккинчи даврни бошлаб берди. Бу даврда минтақада, илм-фан, маданият ва санъатнинг барча соҳаларида бўлгани каби, хаттотлик санъатида ҳам мисли кўрилмаган юксалиш кузатилди. Шу даврдан бошлаб Ўрта Осиёнинг турли минтақаларида ўз хусусиятлари билан фарқланиб турувчи бир неча хаттотлик мактаблари вужудга келди. Жумладан, XV асрда темурийлар сулоласи ҳукмдорларининг кенг қўллаб-кувватлашлари билан вужудга келтирилган ва Султонали Машҳадий (1437 – 1520), Дарвеш Муҳаммад Тақий Ҳиравий (XV асрнинг биринчи ярми), Абдулжамил Котиб (вафоти – 1505/1506 йил) каби вакиллари билан танилган *Ҳирот хаттотлик мактаби* ҳамда XVI асрда шайбонийлар сулоласи хонлари саъй-ҳаракатлари билан асос солинган ва Мирали Ҳиравий (вафоти – 1557 йил), Мир Убайд Бухорий (вафоти – 1601 йил), Мир Ҳусайн Кўланкий Бухорий (XVI аср), Саййид Абдуллоҳ Бухорий (вафоти –1647 йил), Ҳожи Ёдгор (вафоти – 1663 йил), Аҳмад Дониш (1826 – 1897) каби вакиллари билан донг таратган *Бухоро хаттотлик мактаби* шуҳрат қозонди[20].

Юқорида тилга олинган Бухоро хаттотлик мактаби вакилларидан Мирали Ҳиравий (Мир Араб мадрасаси, Мағоки Аттори масжидида), Мир Убайд Бухорий (Амир Олимхон мадрасаси дарвозасида), Ҳожи Ёдгор (Абдулазизхон мадрасасида) ва бошқаларнинг хат намуналари сақланиб қолган. Бу ёзма мерос бебаҳо ва нодир ёдгорлик сифатида қадрланиб келмоқда.

Бухоро, умуман, Ўзбекистон обидаларидаги ёзувларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ана шу ёзувларга оид илмий тадқиқотлар ҳам кам эмас[21]. Бироқ Бухоро (шунингдек, Ўзбекистоннинг бошқа шаҳар ва қишлоқлари)да мавжуд обидалардаги битикларни ўрганган олдинги тадқиқотчилар анча юзаки иш юритди ва ўша даврлардаги мафкуравий маҳдудликлар ҳам уларни мавжуд манбаларни ҳар тарафлама тадқиқ этишга қўймади.

Мустақиллик даври бундай чекловларга барҳам берди. Обидалардаги битикларга муносабат тубдан ўзгарди. Ўзбекистон ҳукуматининг 1996 йили қабул қилинган Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори бу борада муҳим омил бўлди. Шу тариқа шаҳар ва туманлардаги ёдгорликлар бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, республика ҳукумати, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бухоро вилояти ҳокимлигининг доимий диққат-эътиборида бўлди. Айнан қайси мажмуа ва ёдгорликлар таъмирлангани, қайта тиклангани ҳақида альбомнинг кейинги саҳифаларида тегишлича тўхтаб ўтилади. Бу ерда шуни эслатиш зарурки, *хожагон* (XIV асрдан *нақшбандия*) тарикати асосчиси Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний қабри узра қад ростлаган муқаддас мажмуа (бошқа кўплаб ёдгорликлар каби) айнан Ислом Каримовнинг бевосита ташаббуси билан тикланиб, қайта таъмирланди.

Шундай қилиб, айнан истиқлолгина Бухоро ёдгорликларидаги битикларни изчил ўрганиш учун энг қулай имконият яратиб берди. Алоҳида олинган обидалар (Чашмаи Айюб, Сайфиддин Бохарзий[22]) ҳақида махсус нашрлар юзага келди, Чор Бакр мақбаралар мажмуаси битиклари ҳақида ҳам монография[23] эълон қилинди. Мазкур тадқиқотлар эпиграфик ёдгорликларни ўрганишга жиддий киришилганидан далолат беради.

[20] Қаранг: Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Т.: Фан, 1971.

[21] Қаранг: Шишкин В. А. Архитектурные памятники Бухары. Т.: 1936. 4-бет; Бабаджанов Б. Эпиграфические памятники мусульманских мазаров как исторический источник по истории суфизма / Из истории суфизма: источники и социальная практика. Т.: 1991. 89–98-бетлар; Он же: Архитектурные памятники в средневековых письменных источниках, часть I // Архитектура и строительство Узбекистана. 1991. № 4. 14-бет.

[22] Babadjanov B., Muminov A., Nekrasova E. Le mausolée de Chashma-yi Ayyub à Bukhara et son prophète // Cahiers d'Asie centrale, № 5-6, Boukhara-la-Noble. 1998, Pp. 63–94; Babadjanov B. Monuments épigraphiques de l'ensemble de Fathâbâd à Boukhara. Patrimoine manuscrit et vie intellectuelle de l'Asie centrale islamique // Cahiers d'Asie centrale, No 7, Tashkent - Aix-en-Provense, 1999, P. 195–210.

Бирок ҳозирча Ўзбекистондаги битикларнинг муайян қисмигина нашр этилган, холос. Бу борадаги тадқиқот ва нашр ишлари бир гуруҳ ташаббускор олимлар томонидан амалга оширилган эди. Улар бор материални тўлиқ қамраб ололмагани табиий. Бундан ташқари, кейинги пайтларга қадар, битикларнинг тўлиқ тўпламини чиқариш у ёқда турсин, ҳатто, республикадаги эпиграфика сақланган меъморий обидалар рўйхатини тузиш ҳам амалга оширилмаган эди.

Юқоридаги вазиятдан келиб чиқиб, 2011 йилдан бошлаб кенг доирадаги олимлар жамоаси ва мутахассислар ҳамкорлигида «Ўзбекистон обидаларидаги битиклар» туркуми остида республикада мавжуд бўлган барча меъморий обидалардаги битикларни тадқиқ, таржима ва нашр этиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича жиддий иш бошланди. Бугунги кунга келиб Ўзбекистон обидаларидаги битикларни ўрганиш лойиҳаси давлат дастури мақомига кўтарилди. Бу эса – гуманитар илмий лойиҳаларни қўллабқувватлаш ва уларнинг натижаларини нашр этиш борасида жаҳон амалиётида жуда кам учрайдиган ҳодиса.

Биргина Бухорои шарифнинг Эски шаҳар қисмида эпиграфика намуналари сақланган 72 та тарихий меъморий обида аниқланди. Мазкур жилд айни шу обидалардаги битикларга бағишланади. Туркумдаги қолган жилдлар эса Бухоро шаҳри ва унинг туманларидаги меъморий обидалардаги китобаларни қамраб олади.

Бухоро обидаларидаги битикларини, мазмунидан келиб чиқиб, қуйидагича таснифлаш мумкин:

– ***сиёсий мазмундаги матнлар*** (масалан, Масжиди Калонга кираверишдаги бош дарвоза равоғида 1542 йили Абдулазизхон ибн Убайдуллахоннинг Бухоро аҳолисини айрим солиқлардан озод этиш тўғрисидаги *настаълиқ* хатида ёзилган фармони матни келтирилган мармартош, у таниқли зарринқалам хаттот бўлмиш Нуриддин Муҳаммаднинг ўғли – Миршайх ал-Пуроний томонидан амалга оширилган);

– ***тарихий матнлар*** (масалан, Бухородаги Чашмаи Айюб хилхонасига кираверишда кошин буриш услубида бинони таъмирлаш ҳақидаги ҳижрий 785, яъни милодий 1383-84 йили Амир Темур даврида битилган тарихий ёзув; ана шу хилхонага кираверишдаги айтиб ўтилган битикнинг тепа қисмида ёғочда X аср тарихчиси Ғунжорнинг бизнинг давримизга етиб келмаган «Тарихи Бухоро» («Бухоро тарихи») китобидан олинган иқтибос қиялатма шикаста хатида ёзилган; Қўш мадрасадаги ёзув ва бошқалар);

– ***шеърий битиклар*** (масалан, Мир Араб мадрасаси ҳужрасида ҳижрий 1316, яъни милодий 1898 йили *настаълиқ* хатида ёзилган мадраса таърифига бағишланган шеър; Абдулазизхон мадрасаси дарсхонасида *настаълиқ* хатида Саъдий Шерозийнинг тўрт мисра шеъри ва бошқалар);

– ***диний битиклар*** (масалан, Масжиди Калоннинг ғарбий пештоқи устуни ўнг томонидаги гулдаста кўзачасида тилла билан ёзилган XV асрга оид *куфий* хатидаги илмга оид: *«Илмни Хитойда бўлса ҳам изланглар»*, – деган ҳадис; Масжиди Калон меҳробидаги темурийлар даврининг донгдор хаттоти Боязид Пуронийнинг XV асрга оид *сулс* хатида ёзган Қуръони карим оятлари; Мир Араб мадрасаси дарвозаси чап томонидаги табақаси дилаги – юқори қисмида жойлашган XVI асрга оид *сулс* хатида битилган Қуръони каримдаги «Ҳижр» сурасининг 46-ояти; Бухородаги Мирзо Улуғбек мадрасаси дарвозасида *сулс* хатида битилган илмга оид ҳадис; Чашмаи Айюб хилхонасига кираверишда *шикаста* хатида битилган «Оят ул-Курсий» ва бошқалар);

– ***тасаввуфий ҳикматлар*** (масалан, Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасидаги Абдулазизхон хонақоҳи, Болои Ҳавз масжиди ва бошқа иморатлардаги битиклар);

– ***уста-меъморлар исмлари*** (масалан, Мирзо Улуғбек мадрасаси ички пештоқ равоқларида *сулс* хатида уста-меъмор Исмоил ибн Тоҳир Исфаҳонийнинг исми ёзилган);

– ***хаттотлар исмлари*** (масалан, Масжиди Калон меҳробидаги темурийлар даврининг донгдор хаттоти Боязид Пуронийнинг номи ёзилган; Абдулазизхон мадрасаси дарсхонасида *настаълиқ* хатида уста Нажафқули Қазвинийнинг номи ёзилган);

– ***таърих-хронограммалар*** (масалан, Хожа Зайниддин хонақоҳи, Амир Олимхон мадрасаси ва бошқалар);

– ***меъморий иншоот деворларидаги эсдаликлар*** (масалан, Абдулазизхон ҳужраси, Чорбакр ва бошқалар);

– ***тарихий ва атоқли шахсларнинг номлари битилган қабртошлар*** (масалан, Саййид Побанд мақбарасидаги XIII асрга оид қабртошдаги ғубор хатида сополда битилган ёзув; Мулло Пайравий гузарида жойлашган кутубхонадаги XII асрга оид бахшида ёзуви бўлган 48×13 сантиметрли қайроқ қабртош, унда *куфий* хатида: *«Аҳмад ибн Аммор ал-Ансорий»*, – деган битик ёзилган; Сайфиддин Бохарзийнинг XIII асрга оид ёғочдан ясалган қабрпўшидаги *ғубор* ва *сулс* хатларидаги тарихий бахшида битиклар ва бошқалар).

Бухоро меъморий обидаларида *куфий, муҳаққақ, сулс, насх, насхи бухорий, ғубор, настаълиқ, райҳоний* ва бошқа хат турларини учратиш мумкин.

Муаллифлар вилоятда мавжуд барча обидалардаги битикларни иложи борича барчасини, шунингдек, амалда турли хаттотлар томонидан ҳар хил даврларда таъмирланган матнларни ҳам ўқиб, изчил ўрганди. Қайта тикланган ёзувлар орасида ниҳоят даражада муваффақиятли чиққанлари ҳам бор.

Ушбу альбомга, шунингдек, мустақиллик йилларида қайта таъмирланган ва янги битиклар билан безатилган обидалар ҳам киритилди. Зеро бу жараён халқнинг ҳалиҳануз ўз қадимий миллий қадриятлари ва маданий фазилатларини унутмаганини кўрсатади. Тузувчилар бу альбомда тақдим этилаётган энг яхши китоба намуналари ёш хаттот ва наққошлар учун ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўташига ҳам умид боғлайди.

Тадқиқот асосида шундай уста, меъмор ва хаттотларнинг муборак номлари аниқландики, бу бевосита меъморий усуллар, ёдгорликларга безак бериш мактаблари ва бошқа жиҳатларни аниқлаштириш имконини беради. Матнларда тарихий воқеалар, у ёки бу ёдгорлик қурилиши ҳақида шундай нодир маълумотлар борки, улар бошқа ёзма манбаларда учрамайди. Таъкидлаш лозимки, кўпинча Бухоро обидаларидаги битикларни ўқиган ва нашр этган олдинги мутахассислар хатосини тузатиш ёхуд уларга қўшимчалар қўшишга ҳам тўғри келди.

Ушбу альбомни нашр этиш натижасида тадқиқотчилар (санъатшунослар, меъморчилик тарихини ўрганадиган мутахассислар, тарихчилар) Ўрта асрларда Бухоро хаттотлари, кошинкорлари ва меъморлари яратган турли ижодий мактаблар ҳақида аниқ тасаввурларга эга бўлади. Шубҳасиз, буларнинг бари обидаларга битик ёзиш санъатининг ёрқин намуналари ҳисобланиб, Бухоро битикларини ўрганиш бошқа ёдгорликларда олиб борилган кузатишлар хулосаларини ҳам тасдиқлайди. Ўзбекистонда мавжуд деярли барча меъморий ва муқаддас мажмуалардаги услублар ва безак санъати намуналарида мусулмон оламининг турли минтақаларидаги ҳар хил маҳорат мактабларининг ўзига хос жиҳатлари ва уларнинг уйғунлашув жараёни кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам уларга кенг маънода, мусулмон тамаддунига тегишли мерос, деб қаралиши мумкин.

Энди икки оғиз альбомда асл матнлар ва уларнинг таржималарини тақдим этишда амал қилинган қоидалар ҳақида тўхталсак. Матнларнинг ўчиб кетган жойларига уч нуқта қўйилди. Сўзлар маъносидан келиб чиқиб тикланган ўринлар эса қавс ичига олинди. Баъзан ўзбекча матн шарҳга муҳтож бўлмагани ҳолда унинг русча ва инглизчага таржималарига қўшимча равишда изоҳлар берилди.

[23] Babadjanov B., Szuppe M. Les inscription persanes de Char Bakr, necropole familiale des khwaja Juybary pres de Boukhara. Par Bakhtiyar Babajanov et Mariya Szuppe // Corpus Inscriptionum Iranicarum, vol. XXXI, Uzbekistan, London, 2002.

Бундан ташқари, тақдим этилаётган барча альбомларда, илмий меъёрларга қатъий амал қилган ҳолда, ёдгорликлардаги матнларда қайд этилган ҳижрий сананинг ўзи ҳам келтирилди. Шуни инобатга олиб, бу борада шарқшуносликда шаклланган илмий меъёрларга риоя қилинди ва (ой ва кун аксэттирилмайдиган ўринларда) йил, масалан: «840/1436-1437», – тарзида берилди.

Бундай кенг қамровли ва заҳматталаб ишга кўл урган ижодий гуруҳ ва муаллифлар жамоаси мукаммалликка даъво қилмайди, албатта. Биз мухтарам ўқувчиларимиздан бу камтарона ишимизга мурувват кўзи билан қараб, учраган хато ва камчиликлар ҳақида маълум қилишларига умидвор бўлиб қоламиз.

Ижодий гуруҳ ушбу муҳим лойиҳани амалга оширишда ташаббускор бўлган, ижодий жараёнга амалий ёрдам кўрсатган, нашримизни маънавий ва моддий жиҳатдан кўллаб-кувватлаган барча давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда уларнинг раҳбарларига, шунингдек, Бухоро вилояти ҳокимиятига миннатдорчилик билдиради.

Ижодий гуруҳ

ВВЕДЕНИЕ

Бухара является одной из колыбелей цивилизаций древнего мира. Она представляет почти все аспекты культуры Востока глубокой старины. Как подчеркивал Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов в своем приветственном слове на торжествах, посвященных 2500-летию Бухары 19 октября 1997 года: *«Бухара завоевала всемирную известность тем, что она на протяжении тысячелетий вносила большой вклад в мировую цивилизацию, в развитие духовных, культурных и религиозных ценностей и стала одним из священных мест нашего края»*[1].

На протяжении столетий город не менял своего местоположения и был центром владений Бухархудатов (2-я половина VII – VIII вв.) столицей государств Саманидов (последняя четверть IX–Xвв.), Шейбанидов (XVI в.), Аштарханидов (XVII – первая половина XVIII вв.), Мангытов (вторая половина XVIII в. – 1920 г.).

В настоящее время священная Бухара является крупным административным центром Бухарской области Республики Узбекистан, площадь которого составляет 39,4 тыс. кв. км.

Город располагается в долине, в низовьях реки Зарафшан (в древности: река *Согда, Масаф, Кухак*). Он сформировался вдоль одного из крупных ее притоков и на протяжении более двух тысяч лет не менял своего местоположения. В наши дни древняя часть Бухары остается «живым» городом, сохранившим исходную структуру (крепость – Арк, шахристан, канал Шахруд). Однако условия для жизни и строительства здесь были крайне ограничены: плоская заболоченная равнина, неустойчивый водный режим, скудные ресурсы. Наиболее древние артефакты, свидетельствующие о времени основания Бухары, скрыты мощными культурными наслоениями и грунтовыми водами.

КРАТКАЯ ИСТОРИЯ БУХАРЫ[2]

Каким было название города Бухары в древние времена – неизвестно. Согласно местной мифической традиции, отраженной в «Истории Бухары» Наршахи, основание древнейшей части города – крепости (Арк) относится к глубокой древности и приписывается героям эпоса Сиявушу либо Афрасиабу. Однако древнее Бухары считались крупные укрепленные селения Вардана, Рамтин, Варахша и торговый город Пайкенд[3].

Источником истории древней Бухары являются, в основном, монеты, свидетельствующие об активных торговых связях и уровне развития товарно-денежных отношений. По ним прослеживаются смена династий, имена правителей, титулов, алфавитов, династических знаков – тамга и изображений. Однако на территории самого города найден в 1937 г. лишь клад подражаний тетрадрахмам Евтидема[4].

В китайских источниках V в. город впервые упоминается как *Нюми,* в котором находилась резиденция правителя одноименного владения. В VII в. в хрониках государства

[1] Каримов И. По пути безопасности и стабильного развития. Т.: «Узбекистан». 1998. С. 356–357.

[2] Очерк написан на основе письменных источников, публикаций археологов, историков и востоковедов, воссоздающих только историю Бухары. См. общий список литературы.

[3] В «Истории» Наршахи приводятся противоречивые сведения относительно времени основания селений и городов оазиса Бухары. См.: Мухаммад ан-Наршахи. Та'рих-и Бухара. С. 23, 27–31.

[4] Мусакаева А.А. Становление и динамика развития денежных отношений в Западном Согде....

Тан его название упоминается в формах: *Ань (Аньго), Аньси, Бухо, или Бухэ, и Фухо*[5]. Как свидетельствуют эти же источники, правящая династия Бухары – Бухархудаты имели общее с правителями Согда происхождение от юечжийского дома Чжаоу, а род владетеля насчитывал 22 поколения[6]. Позднее в старых книгах и рукописях на арабском языке город упоминался под разными названиями: *Бумискат, Мадинат ас-суффрийа* (ар. Медный город), *Нумиджкент* (от согдийского *Намич* – *«Знаменитый»*)[7]; по мнению местных ученых древности от термина *«бухар» – «место поклонения, где стоят идолы»*; в одном из хадисов от Пророка Мухаммада – *Фахира* (ар. *«Гордый», «Превосходный», «Великолепный»*) и др. Как предполагают некоторые исследователи, название *«Бухара»* появилось от наименования главного буддийского храма региона – *«Вихара»*, или от тюркской транскрипции этого слова *«бухар»* (монастырь). Однако каких-либо артефактов, относящихся к буддизму и манихейству, на территории города и оазиса до сих пор не обнаружено.

Бухарой в древности называли весь оазис, вероятно, лишь в X в. его название окончательно было перенесено на город.

В VII в., накануне арабского завоевания, Бухара представляла собой крупный административный центр оазиса и торговый город, состоявший из двух основных частей: первая – крепость – Диз (около 3 га) с мощными укреплениями толщиной до 18 м, вторая – удивительный дворец, который возвел Бидун Бухархудат в крепости: «планировка подобна созвездию Большой Медведицы». На его воротах он распорядился прикрепить железную плиту со своим именем[8]. Эти сведения являются наиболее ранним упоминанием об архитектурной эпиграфике города. В крепости также располагались языческий храм, казначейство, тюрьма. Ее западные ворота назывались Регистан, так как выходили на огромную песчаную площадь, восточные – Гуриян («Ворота кладбища», за которыми находится святыня – захоронение мифического основателя Бухары Сиявуша).

К востоку от крепости, на основе трех или четырех замков дихкан (высшее земледельческое сословие) с автономными крепостными сооружениями, постепенно сформировался собственно город – шахристан (28–30 га). Его основание приписывается тюркскому правителю Шер-и Кишвару, прибывшему сюда с войском в 60–80 гг. VI в. по просьбе бухарских дихкан, эмигрировавших из Бухары в Туркестан и Тараз от тирании Абруя.

За пределами шахристана сформировался торгово-ремесленный городок. Главный экономический центр – базар Мах («Луна»), названный по языческому храму, находился за стеной шахристана, между его южными воротами и каналом Руд-и Зар («Золотоносная река», позднее и до наших дней – *Шахруд* – «Городская река»). Главный его ориентир – мечеть Магак-и ʻАттари сохранилась до наших дней. В этом районе базар находился с глубокой древности до 30-х годов XX в.

Окончательное водворение ислама в Бухаре произошло в начале VIII в. Арабский наместник Хурасана Кутайба б. Муслим ал-Бахили (704–715 гг.) распорядился половину домов в городе передать арабам. Он же в 713 году на месте языческого храма (бут-хана) в крепости построил первую соборную мечеть и приказал жителям собираться там каждую пятницу за 2 дирхема; в северной части площади Регистан была основана первая праздничная мечеть – Намазгах, окруженная стеной с воротами Маʻбад (ар. «место поклонения»). Вскоре на его северной границе появился первый крупный мусульманский некрополь. В «мечеть ханзалитов» (бану Ханзаля, позднее, вероятно, аш-Шам – «Сирийская») была превращена христианская церковь в юго-западной части шахристана, в этом же районе – «мечеть саʻдитов» (бану Саʻд); в северо-западной части – «мечеть курайшитов» (бану Курайш), в северо-восточной части – «мечеть хамданитов» (бану Хамдам). Замок в юго-восточной части шахристана, принадлежавший дихкану Хине (мусульманское имя – Ахмад), был занят первым наместником Бухары Айюбом. В мечеть (ныне Магак-и ʻАттари) был превращен зороастрийский храм за пределами шахристана на базаре Мах.

С расселением арабских племён на шахристане стены между кварталами (махалля) постепенно разбирались, а спустя некоторое время на их месте появилась жилая застройка.

В середине IX в., при наместничестве в Хорасане Тахиридов (820–873 гг.), вокруг Бухары была возведена внешняя стена. В ее пределах находились: крепость (араб. калʻа), шахристан, базар Мах, намазгах и кладбище к северу от него, Кушк-и Муган, земли потомков Бухархудата и горожан на периферии обживаемой территории. Общая площадь города в пределах этих стен составляла более 700 га. На этой территории городская застройка в эпоху Саманидов интенсивно развивалась, достигнув в тот период наибольшего расцвета строительства и созидания, резко сократившись в начале XIII века.

Вероятно, с этого времени крепость стала называться кухандиз («старая крепость»), шахристан – *шахр-и дарун* (*«внутренний город»*), или мадина (араб.), территория вне этих частей в пределах внешней стены – *шахр-и бирун* (*«внешний город»*), или рабад (араб.). Во внешней стене города были установлены 11 ворот.

При Саманидах крепость – кухандиз по периметру была укреплена толстой «рубашкой» из сырцового и облицована жженым кирпичом, ее площадь по внешнему абрису составляла примерно 3,5–3,8 га. Здесь размещались: дворец, здания мечети и диваны – канцелярии, сераль, сокровищница, огромная библиотека (в ней занимался юный Ибн Сина), тюрьмы, жилища охраны, ювелирные и ремесленные мастерские.

Внутренний город исторически был разделен на четыре части, выделяющиеся и в наши дни по рельефу. Он был плотно застроен, обведен рвом и крепкими стенами, прорезанными семью воротами. Некоторые из них имели по нескольку названий, изменяющихся со временем. В южной стене находились ворота Мах (Базара, Мадины, Шахристан, Аттаран), в западной стене, обращенной к кухандизу, располагались четверо ворот: Бану Саʻд, или Саʻдабад, Бану Асад (доисламское название Мухра), Ворота Кухандиз, Хак-рах, или Хуфре (подкопа); в северной стене – Нур, с середины X в. – ворота Мансура, в восточной стене – ворота Самаркандские внутренние или Нау.

Средневековые историки в своих описаниях представляют Бухару, используя избитое выражение, «городом контрастов». Наряду с положительными качествами – широкими улицами, опрятными банями, прекрасными базарами, великолепными мечетями, справедливым султаном, благоденствием и грамотностью жителей, хорошей едой, отмечаются его чрезвычайно плотная застройка тесными домами из дерева с балконами, дороговизна жилищ, соленые колодцы, душные тимы, замусоренные каналы, частые пожары и т.д.

В начале XI века, с падением династии Саманидов и утратой статуса столицы, Бухара переживала политический и экономический кризис.

«[Дни] ат-Ташрик»[3] – это дни еды, питья и поминания великого и могущественного Аллаха».

Prophet (peace be upon him) said:
The [days] of Tashriq[4] are days of eating, drinking and remembering (dhikr) of Allah – the Most Great and the Mighty.

[1] Ташриқ кунлари – Қурбон ҳайити давоми бўлиб, мусулмон ҳижрий-қамарий тақвими охирги ойининг 11- ва 13-кунлари нишонланади.

Имом Аҳмаднинг Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривояти.

[3] Дни ат-Ташрик (араб. ايام التشريق) – продолжение праздника жертвоприношения Курбан-байрам, которое отмечается с 11-го по 13-е числа последнего месяца исламского лунного календаря.

[4] The three days following Idul Ad-ha, i.e. 11th, 12th and 13th of Dhul Hijjah.



Мехроб равоғидан чап тарафда жойлашган ва ўзаро сингишадиган ҳандасавий шакллар кўринишида сидирға кошинлардан ишланган накшлар орасида Аллоҳни улуғловчи иборалар бўлган ажойиб тарзда яратилган эпиграфик композицияларнинг парчалари сақланиб қолган. Булар: الحمد لله ، الله اكبر – *«Аллоҳ – мақтовга лойиқ»*, *«Аллоҳ – буюк»* каби иборалардир. Ана шу битикларнинг сақланиб қолмаган тепадаги белбоғида, анъанага кўра, афтидан سبحان الله – *«Аллоҳ барча айб-нуқсонлардан пок зот»* калимаси ёзилган бўлиши керак.

Среди узоров, расположенных слева от михрабной ниши и выполненных из рельефной терракоты в виде переплетающихся геометрических фигур, сохранились фрагменты великолепно исполненных эпиграфических композиций с формулами возвеличивания Аллаха. Почерк *сулс*. Диакритика отсутствует. Это такие формулы, как: الحمد لله ، الله اكبر – *«Аллах велик»*, *«Слава Аллаху»*. В несохранившемся верхнем поясе этих надписей, согласно традиции, видимо, была написана другая формула : سبحان الله – *«Хвала Аллаху!»*

Among patterns located to the left of the mihrab and made of relief terracotta in the form of intertwining geometrical shapes are fragments of remarkable epigraphic compositions with formulas glorifying Allah in the *thuluth* script. No diacrities. The formulas include: الحمد لله ، الله اكبر – *«Allah is Great »*, *«Glory be to Allah»*. According to tradition, another formula that reads سبحان الله – *«Praise be to Allah!»* seems to have been in the missing upper strip of these inscriptions.



Пайғамбар (у зотга салом бўлсин) айтдилар: «Ишни пухта-пишиқ бажарган кишини Аллоҳ яхши кўради». [Аллоҳнинг] элчиси рост сўзлади.

Пророк – мир ему! – сказал: «Аллах любит того, кто делает [свое дело] тщательно». Правду сказал Посланник [Аллаха].

The Prophet – peace be upon him! – said: «Allah loves those who do [their work] thoroughly». Right is the Messenger.

АРХИТЕКТУРНЫЙ АНСАМБЛЬ ПОЙИ КАЛАН



НАИБОЛЕЕ ЗНАЧИТЕЛЬНЫЙ ИЗ ИМЕЮЩИХСЯ В БУХАРЕ АРХИТЕКТУРНЫХ ПАМЯТНИКОВ АНСАМБЛЬ ПОЙИ КАЛАН РАСПОЛАГАЕТСЯ В ЦЕНТРЕ СТАРОЙ БУХАРЫ И СОСТОИТ ИЗ МИНАРЕТА, ПЯТНИЧНОЙ МЕЧЕТИ И ДВУХ МЕДРЕСЕ.

ПОЙИ КАЛОН МЕЪМОРИЙ АНСАМБЛИ



БУХОРОДА САҚЛАНИБ ҚОЛГАН ЭНГ КАТТА МЕЪМОРИЙ АНСАМБЛЛАРДАН БИРИ, МИНОРА, ЖОМЕ МАСЖИДИ ВА ИККИ МАДРАСАДАН ТАРКИБ ТОПГАН ПОЙИ КАЛОН МАЖМУИ ҚАДИМИЙ БУХОРО МАРКАЗИДА ЖОЙЛАШГАН.

THE ARCHITECTURAL ENSEMBLE POYI KALON



THE MOST SIGNIFICANT ENSEMBLE CONSISTING OF THE MINARET, FRIDAY MOSQUE AND TWO MADRASAHS IN THE HEART OF OLD BUKHARA.



ПОЙИ КАЛОН МЕЪМОРИЙ АНСАМБЛИ
XII АСР – XX АСР БОШЛАРИ*

Бухорода сақланиб қолган энг катта меъморий ансамбллардан бири, минора, жоме масжиди ва икки мадрасадан таркиб топган Пойи Калон мажмуи қадимий Бухоро марказида жойлашган.

АРХИТЕКТУРНЫЙ АНСАМБЛЬ ПОЙИ КАЛАН
(«У ПОДНОЖИЯ ВЕЛИКИХ»).
XII – начало XX вв.*

Наиболее значительный из имеющихся в Бухаре архитектурных памятников ансамбль Пойи Калан располагается в центре Старой Бухары и состоит из минарета, пятничной мечети и двух медресе.

THE ARCHITECTURAL ENSEMBLE POYI KALON
(«AT THE FOOT OF THE GREAT»)
19TH – EARLY 20TH CENTURIES*

The most significant ensemble consisting of the minaret, Friday Mosque and two madrasahs in the heart of old Bukhara.

* (Н-12) Ушбу белги мазкур тарихий ёдгорликнинг китоб аввалида келтирилган харитадаги тартиб рақамини билдиради.

* (Н-12) Место расположения памятника на карте, приведенной в начале книги.

* (Н-12) The location of the monument on the map provided at the beginning of the book.





АРСЛОНХОН ЁКИ КАЛОН МИНОРАСИ 521/1127 – 524/1129 ЙИЛЛАР

XII асрнинг биринчи чорагида қорахонийлар сулоласидан бўлмиш Арслонхон Муҳаммад Бухоро шаҳристони ғарбий қисмида хусусий уйлар қурилган каттагина ер майдонини сотиб олди ҳамда ҳақи тўланган ана шу ҳудудда масжид ва минора барпо этиш тўғрисида фармойиш берди. Бироқ олий ҳукмдорнинг мазкур тадбири омадли якун топмади, ҳали тўлиқ қуриб битказилмаган минора қулаб тушди ва бирйўла масжидни ҳам вайронага айлантирди. Масжид 515/1121 йилда қайта бунёд этилди, қурилиши саккиз йилдан сўнг ниҳоясига етказилган минора эса Бухоро тарихий қисми ҳудудида[1] ҳали ҳам ўз хушбичимлиги ва орасталиги билан қолган иморатлар мажмуида улуғвор ва бетакрор кўринади.

Минора – юқорилагани сайин билинар-билинмас ингичкалашиб борувчи улкан ғиштин устун бўлиб, энг тепа қисмида каттакон гулдаста ҳам ясалган (пойдевори қарийб 10 метр, баландлиги 47,2 метр, гавдасининг қуйи диаметри – 10,6 метр, юқориси эса қарийб 6,0 метр). Минорага кириш-чиқиш жойи ердан анча юқори кўтарилган, ингичка кўприкча орқали масжид томи билан боғланган. Минора ичида поғона-поғона деворларига равоқчалар билан усти қопланган торгина бурама пилланоя кишини тепага олиб чиқади. Ана шу зинапоя гулдастанинг сидирға қопламаланган думалоқ марказий хоначани ҳошиялаб тушган 16 та равоқсимон туйнуги бўлган торгина галереяга бошлаб боради. Гулдастанинг юқори қисмини беш қатор терракота сталактитлардан ташкил топган бақувват карниз, қуйисида эса уч қатордан иборат карниз бўлиб, ана шу терракота сталактитларда қачонлардир ердан туриб қараса кўринмайдиган ганч бодомча медальонлар ҳам сақланиб қолган. Минора деворларига турли-туман кўринишдаги шакллар ва расмлар туширилган кошинлар ҳамда пишган ғиштлардан териб чиқилган мустаҳкам ва кўркам «кўйлак кийдирилган». Улар бетакрор нақшлари бўлган, ингичка белбоқчалар билан бир-биридан ажратилган. 13 та кенг нақшинкор бўлакларга қадамалаб терилган бўлиб, ана шу кенг бўлаклардан иккитасида рельеф китоба битиклар сақланиб қолган. Минора устунпоясининг тахминан тенг ярмида *куфий* хатида ёзилган ярим емирилиб кетган тарихий битик иншоотни ўраб турибди. Биз сопол кошинларни қадамалаб жойлаштираётганда санада келтирилган охирги сўз сиғмасдан қолганлигини, шунинг учун ҳам санаси бўлган битик қурилиш ишлари ниҳояланаётган кезларда қадамалаб терилгани, ана шу китоба битикдан фақатгина خمسة مائة – *«хамсату миа»*, яъни «беш юз» сақланиб қолганини аниқладик. Бироқ бундан эллик йил муқаддам ана шу сиғмасдан қолган матн архитектура доктори Пўлат Зоҳидов томонидан янглиш ўқилган ва «Уста Бақо амали»[2] сифатида таржима қилинган эди, шунингдек, ушбу хато Бухоро меъморий ёдгорликлари ҳақидаги илмий ва оммабоп нашрлардан мустаҳкам жой эгаллаган эди. Профессор Зоҳидовнинг таъкидлашича, шаҳарнинг нуроний ёшдаги кишилари минорадан жанубда жойлашган ва Уста Бақо дафн этилган мозорни ҳам кўрсатишган экан. Бу ҳодиса эса Арслонхон Муҳаммад ибн Сулаймон (1102–1130 йиллар) ишлари ва у ҳақдаги уйдирмалар бир-бири билан чалкашиб-қоришиб кетган ривоятлар дунёсига хос бир нарса, холос.

Бухоро шаҳристонида Калон масжидидан жанубда айтиб ўтилган ҳукмдор яна битта масжид ва гумбазлари «мовий» мақбара ҳам қурган эди. Ушбу бинолар ҳақидаги ривоятлар асрлар оша оғзаки ва ёзма анъаналар орқали авлоддан-авлодга ўтиб келаверди[3]. Эҳтимол, мазкур масжид мўғуллар истилоси чоғида бузилиб кетган, бироқ XV аср бошларида бу ерда Минорани қурган уста эмас, иморат қурилиши буюртмачиси Арслонхон мозори – қадамжоси мавжуд бўлган[4]. XX аср бошларида хусусий уй эгаси қудуқ қазиётган маҳалида ана шу гумбазларни топганлиги ва мозорни қайта тиклаганлиги ҳам нақл қилинади[5]. Бироқ, ана шу мавзени илмий жиҳатдан текшираётганда Е.Г. Некрасова айтиб ўтилган уйга киришга муяссар бўлади, бу ерда олима тор ярим ертўласимон иншоотдаги қолган бошқа иморатлар орасида унча катта бўлмаган сағана қўйилган мозор борлигини ҳам аниқлайди.

Иккинчи тарихий битик эса минора гавдасининг юқори қисмида, гулдаста тагида жойлашган эди. У сидирға рельефли *куфий* хати услубида териб чиқилган йирик-йирик терракота кошин плиткачалар (29x66 сантиметр)дан тузилган, кошинлар сирти қурилиш ниҳоясига етган сана кўрсатилган феруза сир билан қопланган[6]. М. Фрунзе қўмондонлигидаги қўшинлар томонидан 1920 йилда Бухоро босиб олинаётганда, артиллериядан ўққа тутиш чоғида снаряд тўғридан-тўғри бориб тегиши оқибатида минора сталактит карнизининг тенг ярми бузилиб тушган эди. 1923 йилда амалга оширилган реставрация чоғида қурилиш ишлари ҳақида ҳикоя қилувчи битик геометрик мозаика – ҳандасавий нақшлар билан алмаштирилган, аввалги беш қатор сталиктит ўрнига энди уч қатори қайта тикланган, холос. Ушбу хатолик 50 йилдан сўнг таниқли Устоз Бобомуродов бошлиқ таъмирловчи бухоролик усталар томонидан тузатилди.

[1] Мухаммад ан-Наршахи. Та'рих-и Бухара. С. 55.
[2] Захидов П. Выдающийся зодчий Бухары... С. 45–47.
[3] Мухаммад ан-Наршахи. Та'рих-и Бухара. С. 55.
[4] Гафурова Р.Л. Китоби Мулла-заде. С. 87.
[5] Саиджанов Муса. Город Бухара и Арк. С. 4.
[6] Ремпель Л.И. Архитектурный орнамент. С. 159; Нильсен В.А. Монументальная архитектура. С. 83–91.

МИНАРЕТ АРСЛАН-ХАНА, ИЛИ КАЛАН («ВЕЛИКИЙ МИНАРЕТ»). 521/1127 – 524/1129 гг.

В первой четверти XII века караханидский правитель Арслан-хан Мухаммад выкупил в западной части шахристана большой участок земли, застроенный частными домами, и распорядился возвести на этой территории пятничную мечеть и минарет. Однако эта акция закончилась неудачей, недостроенный минарет упал и разрушил мечеть. Ее восстановили в 515/1121 годах, а минарет, строительство которого завершилось восемь лет спустя, до сих пор служит вертикальной доминантой на территории исторической части Бухары[7].

Минарет представляет собой огромную кирпичную колонну, слегка сужающуюся кверху и увенчанную большим фонарем (фундамент около 10 м, высота – 47,2 м, нижний диаметр ствола – 10,6 м, верхний – около 6 м). Вход в минарет поднят над землей и соединен узким мостиком с кровлей соборной мечети. Внутри его ствола вверх ведет узкая винтовая лестница, перекрытая ступенчатыми стрельчатыми арками. Она освещается пятью небольшими окнами. Лестница выводит в узкую галерею фонаря с 16 арочными проемами, огибающую круглое центральное помещение с плоским перекрытием. Поверху фонарь венчает мощный карниз из пяти рядов терракотовых сталактитов, понизу – из трех рядов, на которых кое-где сохранились невидимые с земли изящные ганчевые медальоны. Ствол минарета «одет» в прочную и нарядную «рубашку» из жженого кирпича и плиток терракоты разнообразной формы и рисунка. Они уложены в 13 широких орнаментальных поясов с неповторяющимися узорами, разделенными узкими поясками, в двух из них располагаются рельефные надписи. Примерно в средней части ствола минарет охватывает полуразрушенная историческая надпись, выполненная почерком *куфи*. Мы установили, что при компоновке керамических плиток последнее слово в дате (... مائة/... сот) не уместилось в полосу надписи и потому было вмонтировано над самым завершением надписи с датой, от которой сохранились только сотни (خمس مائة / пятьсот ...). Однако 50 лет назад доктор архитектуры П.Ш. Захидов ошибочно прочел и перевел неуместившееся слово как «работа Бако»[8], что прочно вошло в научные и популярные работы об архитектурных памятниках Бухары. По утверждению Захидова, старожилы города показывали мазар к югу от минарета, где якобы похоронен Уста Бако. Но это утверждение все же относится к области мифологии, где переплелись вымысел и деяния Арслан-хана Мухаммада ибн Сулаймана (1102–1130 гг.).

В шахристане Бухары к югу от мечети Калан этот правитель действительно отстроил еще одну мечеть и мавзолей с «голубыми» куполами. Сведения об этом здании передавались в веках в устной и письменной форме[9]. Вероятно, во время монгольского нашествия мечеть была разрушена, однако еще в начале XV века здесь находился мазар (кадам-гāх), но не мастера, построившего минарет, а заказчика строительства – Арслан-хана[10]. В начале XX века владелец частного дома при откопке колодца якобы обнаружил эти купола и восстановил мазар[11]. Однако, при обследовании этого квартала Е.Г. Некрасовой удалось попасть в дом, где среди прочих построек в тесном полуподвальном помещении находится мазар, отмеченный небольшой саганой.

Вторая историческая надпись разместилась под фонарем в верхней части ствола. Она была составлена из крупных терракотовых плит (29×66 см) с плоской рельефной *куфической* надписью, покрытой бирюзовой глазурью, содержавшей дату окончания строительства[12]. Во время артиллерийского обстрела при взятии в 1920 году Бухары войсками под командованием М. Фрунзе прямым попаданием была разрушена половина сталактитового карниза минарета. В 1923 году во время реставрации древняя строительная надпись была заменена поясом геометрической мозаики, а вместо пяти рядов сталактитов восстановили три. Эта ошибка была исправлена спустя более 50 лет бригадой реставраторов под руководством известного бухарца Устад Бабамурадова.

[7] Мухаммад ан-Наршахи. Та рих-и Бухара. С. 55.
[8] Захидов П. Выдающийся зодчий Бухары... С. 45–47.
[9] Мухаммад ан-Наршахи. Та рих-и Бухара. С. 55.
[10] Гафурова Р.Д. Китоби Мулла-заде. С. 87.
[11] Саиджанов Муса. Город Бухара и Арк. С. 4.
[12] Ремпель Л.И. Архитектурный орнамент... С. 159; Нильсен В.А. Монументальная архитектура... С. 83–91.

MINARET OF ARSLAN KHAN OR KALON («THE GREAT MINARET») 521/1127 – 524/1129'S

In the first quarter of the twelfth century, the Karakhanid ruler Arslan Khan Muhammad bought the western part of Shakhristan, a large plot of land, built private houses and ordered to erect a Friday mosque and minaret in the area. The campaign ended in failure; the unfinished minaret fell and destroyed the mosque. It was restored in 515/1121, and the minaret, completed eight years later, still serves as a vertical dominant in the territory of the historical part of Bukhara.[13]

Minaret is a huge brick-made column slightly upward tapering, topped by a large lantern (the foundation is about 10 meters, height is 47.2 meters, the bottom diameter of the barrel is 10.6 meters, while the top diameter is about 6 m). Entrance to the minaret is raised above the ground and connected to a narrow bridge with the roof of the cathedral mosque. Inside its trunk is a narrow spiral staircase, whose floors are covered by step pointed arches. It is illuminated by five small windows. The staircase displays a narrow gallery lantern with 16 arched openings, the envelope of the circular central room with a flat ceiling. On top the lantern is crowned with a powerful cornice of five rows of terracotta stalactites, on the bottom it is three rows, which in some places remained invisible from the ground *ganch* graceful medallions. The barrel of the minaret is 'dressed' in a solid and elegant 'jacket' of brick and terracotta tiles of various shapes and figures. They are packed in 13 broad ornamental belts with recurring patterns separated by narrow belts, two of which are located on raised lettering. Around the middle of the trunk the minaret is covered with dilapidated historical inscription made in the *kufic* script. We found that the last word in the date of layout of the tiles (... مائة / ...) does not fit into the strip line, and it was encased above the end of the inscription with the date from which only survived hundreds (خمس مائة / five hundred ...). However, fifty years ago, the word that did not fit erratically translated by Doctor of Architecture Sciences P.Sh. Zahidov as a «work of Bako»[14] and was firmly established in the scientific and popular works of the architectural monuments of Bukhara. According to Zahidov, the old-timers of the city showed *mazar* south of the minaret, where Usto Bako was allegedly buried. But that was a field of mythology, where fiction intertwined with the acts of Arslan Khan Muhammad ibn Sulayman (1102–1130).

In Bukhara shakhristan, south of the Kalon Mosque, this ruler actually rebuilt another mosque and mausoleum with 'blue' domes. Information about the building passed on through centuries of oral and written legends.[15] Probably, during the Mongol invasion the mosque was destroyed, but in the early 15th century there was a *mazar* (Kadam-gāh) – graveyard of not the master who built the minaret, but of the building owner – Arslan Khan.[16] In the early twentieth century, an owner of a private house, when digging a well, allegedly discovered the dome and restored the *mazar*.[17] However, in the survey of this quarter, E.G. Nekrasova managed to get into the house, where among other buildings in close semi-subterranean room, there was the *mazar* marked by a small Sagan.

The second historical sign was placed at the top of the barrel under the lamp. It was made up of large terracotta slabs (29x66 cm) in flat relief *kufic* inscription, covered with turquoise glaze that contains the date of the end of construction.[18] With the capture of Bukhara in 1920 by troops under the command of Mikhail Frunze, shelling destroyed half of stalactite cornice of the minaret by a direct hit. During the restoration in 1923, the ancient building inscription was replaced with geometric mosaic belt, and three rows of stalactites were restored instead of five. This error was fixed more than 50 years later by a team of restorers led by the famous Bukhara master Ustad Babamuradov.

[13] Ремпель Л.И. Архитектурный орнамент... С. 159; Нильсен В.А. Монументальная архитектура ... С. 83–91.
[14] Zahidov, P. Bukhara's outstanding architect. Pp. 45–47.
[15] Muhammad an-Narshahi. Tarikh-I Bukhara. P. 55.
[16] Gafurova, R.I. Kitobi MUlla-zadeh. P. 87.
[17] Saidjanov, Musa. The City of Bukhara and the Ark. P. 4.
[18] Rempel, L.I. Architectural ornament ... p. 159; Nielsen, V.A. Monumental Architecture ... pp. 83–91.

Минора гавдасининг тахминан ўрта қисмида гулдор *куфий* хатида битилган чала емирилган китоба битик бўлиб, унда минора қурилиши бошланган тарихий сана кўрсатилган. Битикнинг катта қисми ўпирилиб тушиб кетган, бир қисми эса таъмирланган.

Примерно в средней части ствола минарета сохранилась полуразрушенная надпись, выполненная почерком *цветущий куфи*, где была указана дата начала его возведения. Большая часть надписи утрачена, часть реставрирована.

Around the middle of the barrel of the minaret, a dilapidated inscription has survived made in the floral *kufic* script, where it has the start date of its construction. Most part of the inscription is lost and another part is restored.

Матн • Текст • Original text



بسم الله الرحمن الرحيم ... أمر ببنا[ء] هذه المنارة المباركة المعظمة الخاقان العادل الاعظم علاء الدو[لة والدين] ... جمال الملة و المسلمين ... خمس مائة.

Таржима • Перевод • Translation

Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман). Ушбу муборак ва муаззам минорани буюк ва адолатли хоқон, Ало уд-дав[ла ва-д-дин] (Давлат ва дин таянчи), Жамол ул-милла ва-л-муслимин (Миллат ва мусулмонлар зийнати) ... беш юз ... [...чи санада] бино қилишга буюрди ...

Во имя Аллаха Милостивого, Милосердного! Этот благословенный и величественный минарет приказал построить справедливый и могущественный хакан, возвысивший государство и веру ('ала ад-дау[ла ва-д-дин]), ..., украшение общины и мусульман (джамал ал-милла ва-л-муслимин) ... [в году] пятьсот ....

In the name of Allah, Most Gracious, Most Merciful! This blessed and majestic minaret was built by the order of a just and mighty khakan who has exalted the state and faith ('ala ad-dau [la wa-d-din]), ..., decoration of the community and the Muslims (jamal al-milla wa-l-muslimin) ... [in the year] ... five hundred...

«Басмала» калимасидан сўнгра қорахонийлар ҳукмронлиги даврига оид меъморий ёдгорликлар, айниқса, танга битикларида баъзида учраб турувчи киритма предлогни эслатувчи «ممّا» «қайсики» фонемаси сақланиб қолган. Айни маҳалда унинг ўқилиши ҳам график жиҳатдан, ҳам грамматик жиҳатдан баҳсли. Китобадаги йўқотишлар бу графема бўлганми ёки матннинг турли бўлаклари ўртасидаги ажратувчи белги (фосила) бўлганми деб аниқ-тиниқ айтишга имкон бермайди. После бенедикционной формулы «басмала» сохранился фонема, напоминающая вводный предлог «ممّا» (Из формулярах караханидского времени. Однако это чтение спорно как графически, так и грамматически. Утраты пока не позволяют точно сказать, была ли это графема либо это разделительный знак между разными частями текста (*фасила*). After the benedictional formula of 'Basmallah' phoneme was preserved resembling an introductory preposition «ممّا» (From that which), sometimes found on monuments, and especially in the forms of monetary formulas of the Karakhanid era. However, this reading is controversial both graphically and grammatically. Losses do not allow us to say exactly whether it was a grapheme or a sign of the separation between different parts of the text (*fasila*).

Иккинчи тарихий битик эса минора гавдасининг юқори қисмида, гулдаста тагида жойлашган бўлган. У сидирға рельефли *куфий* хати услубида териб чиқилган йирик-йирик терракота кошин плиткачалар (29×66 сантиметр) дан тузилган, кошинлар сирти қурилиш ниҳоясига етган сана кўрсатилган ферузаранг сир билан қопланган бўлган[1]. 1920 йили Бухоро бомбардимон қилингандан сўнг бутунлай йўқолган, 1923 йилда амалга оширилган реставрация чоғида геометрик мозаика – ҳандасавий нақшлар билан алмаштирилган.

Вторая историческая надпись размещалась под фонарем в верхней части ствола. Она была составлена из крупных терракотовых плит (29×66 см) с плоской рельефной *куфической* надписью, покрытой бирюзовой глазурью, содержавшей дату окончания строительства[2]. После бомбежек Бухары (1920 г.) она была целиком утрачена и во время реставрации в 1923 году заменена поясом геометрической мозаики.

The second historical sign was at the top of the barrel under the lamp. It was made up of large terracotta slabs (29×66 cm) in flat relief *kufic* inscription, covered with turquoise glaze, containing the date of completion.[3] After the bombing of Bukhara (1920) it was entirely lost, and during the restoration in 1923 it was replaced by a belt of geometric mosaics.



[1] Ремпель, Л.И. Архитектурный орнамент... С. 159; Нильсен В.А. Монументальная архитектура... С. 83–91.

[2] Ремпель, Л.И. Архитектурный орнамент... С. 159; Нильсен В.А. Монументальная архитектура... С. 83–91.

[3] Rempel, L.I. Architectural ornament..., p. 159; Nielsen, V.A. Monumental Architecture..., pp. 83–91.

1997 йилда Бухоронинг 2500 йиллик юбилейи нишонланиши муносабати билан миноранинг қуйи қисмида ганч билан Қуръони каримнинг «Юнус» сураси 107–109-оятлари *сулс* хатида ёзиб кадамаланган. Тепасида سبحان الله و بحمده سبحان الله العظيم «*Аллоҳни ҳамд айтиш ва улуғлаш билан поклайман*» калималари такрор-такрор ёзилган.

В 1997 году в связи с 2500-летним юбилеем Бухары на нижнем поясе минарета была смонтирована надпись, составленная из ганчевых плиток, на которых выгравирован текст почерком *сулс*. Он представляет собой фрагмент из Корана [10: 107–109]. В верхней части этой надписи многократно повторяются формулы: سبحان الله و بحمده سبحان الله العظيم – «*Пречист Аллах, вся хвала Аллаху, Пречист великий Аллах.*»

In 1997, in connection with the 2,500th anniversary of Bukhara, in the lower belt of the minaret was installed an inscription composed of stucco tiles, on which a text in the *thuluth* script is engraved. It is a fragment from the Quran [10: 107–109]. At the top of this line, a formula repeats many times: سبحان الله و بحمده سبحان الله العظيم – «*Glory be to Allah and His is the praise, (and) Allah, the Greatest is free from imperfection.*»

Матн • Текст • Original text



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ وَإِن يَمْسَسْكَ اللَّهُ بِضُرٍّ فَلَا كَاشِفَ لَهُ إِلَّا هُوَ وَإِن يُرِدْكَ بِخَيْرٍ فَلَا رَآدَّ لِفَضْلِهِ يُصِيبُ بِهِ مَن يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ وَهُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ
قُلْ يَا أَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَكُمُ الْحَقُّ مِن رَّبِّكُمْ فَمَنِ اهْتَدَى فَإِنَّمَا يَهْتَدِي لِنَفْسِهِ وَمَن ضَلَّ فَإِنَّمَا يَضِلُّ عَلَيْهَا وَمَا أَنَاْ عَلَيْكُم بِوَكِيلٍ وَاتَّبِعْ مَا يُوحَى إِلَيْكَ
وَاصْبِرْ حَتَّىَ يَحْكُمَ اللَّهُ وَهُوَ خَيْرُ الْحَاكِمِينَ

Таржима • Перевод • Translation

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман). Агар Аллоҳ Сизга бирор зарар етказса, бас, Ундан Ўзидан бошқа уни кетказадиган (куч) йўқдир. Агар Сизга бирор яхшилик (етказиш)ни истаса, Унинг фазлини қайтарувчи (куч) ҳам йўқдир. Уни (яъни, фазлини) бандаларидан хоҳлаганига етказур. У Кечиримли ва Раҳмлидир. Айтинг: «Эй, одамлар! Сизларга Раббингиздан ҳақиқат (Қуръон ва Пайғамбар) келди. Бас, кимки ҳидоят йўлига кирса, фақат ўзи учун ҳидоят йўлига кирган бўлади. Кимки янглишса, бас, ўзининг зарарига янглишган бўлади. Мен сизларга вакил (муаккил) эмасман». Сизга ваҳий этилган нарсага эргашинг ва то Аллоҳ ҳукм қилгунича сабр қилинг! Албатта, У ҳукм қилувчиларнинг яхшисидир.

Во имя Аллаха Милостивого, Милосердного! Если Аллах коснется тебя злом, то нет избавителя от этого, кроме него. А если Он пожелает тебе добра, то нет удерживающего Его милость. Он поражает этим, кого желает, из Своих рабов. Он прощающ, милосерден! Скажи: «О, люди! Пришла к вам истина от вашего Господа: и кто идет прямым путем, тот идет прямо для своей души, а кто заблудился, тот заблудился во вред ей; и я не поучитель за вас». Следуй же за тем, что внушается тебе, и терпи, пока Аллах не рассудит: ведь Он – лучший из судящих!

In the Name of Allah, the Most Beneficent, the Most Merciful. And if Allah touches you with hurt, there is none who can remove it but He; and if He intends any good for you, there is none who can repel His Favor which He causes it to reach whomsoever of His slaves He will. And He is the Oft-Forgiving, Most Merciful. Say: «O you mankind! Now truth (i.e. the Quran and Prophet Muhammad), has come to you from your Lord. So whosoever receives guidance, he does so for the good of his own self, and whosoever goes astray, he does so to his own loss, and I am not (set) over you as a Wakil (disposer of affairs to oblige you for guidance)». And (O Muhammad), follow the inspiration sent unto you, and be patient till Allah gives judgement. And He is the Best of judges.

КАЛОН ЖОМЕ МАСЖИДИ*
XV АСР. 1514 ЙИЛ, 1541–1542 ЙИЛЛАР

Археологик тадқиқотлар ҳозирда мавжуд бўлган масжид ўрнида яна иккита масжид қолдиқлари борлигини ва энг қуйидагиси Арслонхон қурдирган иморат пойдеворлари эканлигини кўрсатди. Мазкур бинода пойдеворлар, ташқи деворлар, мақсура ва дарвозахона пишган ғиштдан қурилган бўлган. Галереялар эса, замондошларининг гувоҳлик беришича, ажойиб ва нафис безаклар билан зийнатланган устунларга залворини ташлаган ёғоч том билан қопланган бўлган. Арслонхон масжиди ҳам бугунги кундаги жоме масжидиники билан айнан бир хил ўлчамларга эга бўлган. Самаркандда 1399–1404 йилларда Бибихоним масжиди бунёд этилгунига қадар Калон масжиди Мовароуннаҳрдаги энг катта жоме масжиди бўлиб келди. Иккинчи масжид (XIV асрнинг биринчи чораги — ўрталари) дастлабки масжид ўрнида айнан унинг режасига мос равишда тўлигича пишган ғиштдан бунёд этилган бўлган.

Бугунги кунда мавжуд бўлиб турган учинчи масжид эса, тахмин қилиш мумкинки, Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида (1409–1449 йиллар) барпо этилган. Мазкур улкан ва маҳобатли бино (80×130 метр) тузилиши жиҳатдан тўғри бурчак кўринишида бўлиб, ўқи бўйича шарқдан ғарбга томон чўзилиб кетган. Ташқи деворлари чеккаларида гулдастали миноралар қад ростлаган. Шарқий томондаги бош фасад марказида қалқонсимон камгакларга таянувчи ярим гумбаз билан қопланган беш қиррали равоғи бўлган дарвозахона пештоқи жойлашган.

Масжид интерьери ўз ўқи бўйлаб жойлашган тўртта айвони бўлган тўғри бурчакли каттакон ҳовлини ўзида ифода этади. Ҳовли теварагида эса устунларга таянувчи 288 та гумбазчаси бўлган галерея жойлашган. Ғарб томондан эса бинонинг бўйлама ўқи қўш каватли маҳобатли гумбаз билан қопланган салибсимон зали бўлган бош пешток-гумбазли иншоот – мақсура билан адоғига етади.

XV асрга оид нақшлар мақсура пештоқида сақланиб қолган. Мақсура интерьерида мехроб равоғи ва деворлар гуландоз бордюр – ҳошияси бўлган фирузаранг сопол кошинлардан териб чиқилган панель билан қопланган. Нилий, мовий ва оқ сопол кошинлардан *куфий* хати билан ёзилган Қуръон иқтибослари келтирилган маҳобатли китоба битик гумбаз гардишини ўз оғушига олган. Маҳобатли китоба битик тепасида эса нақшинкор кошинлардан жамланган гулдор, эпиграфик ҳошиялар ва сталактит карнизлар жойлашган.

Убайдуллахон ҳукмронлиги даврида (1512–1539), 1514 йилда жоме масжидни таъмирлашга қаратилган катта ишлар амалга оширилган. Мақсура ҳонақосида бизга қадар етиб келган янги мехроб равоғи барпо этилди. У полихром йиғма мозаикадан ишланган эпиграфик ва наботий нақшу нигорлар билан зийнатланган. Қуръони каримдан иқтибос келтирилган китоба битик сўнгида устанинг номи – таниқли хаттот, *настаълиқ* хатида санъаткорона ёзган Султон Абу Саид ал-Пуроний ўғли Боязид ал-Пуроний исми шарифи келтирилган[1].

Убайдуллахон даврида шунингдек бинонинг шарқий бош пештоғи ва ҳовлига қараган равоқларнинг кошин қопламалари ҳам бутунлай қайта таъмирланган. Ана шу ишларни амалга ошириш жараёнида тарошланган ва сайқалланган пишган ғишт ва терракотадан кенг фойдаланилиб, мозаикадан камроқ истифода этилган. 1542 йилда бош дарвоза равоғида Убайдуллахоннинг ўғли Абдулазизхоннинг Бухоро аҳолисини айрим соликлардан озод этиш тўғрисидаги фармони матни келтирилган мармар тош ўрнатилган[2], бу иш таниқли зарринқалам хаттот бўлмиш Нуриддин Муҳаммаднинг ўғли Миршайх ал-Пуроний томонидан амалга оширилган[3]. 1996 йилда ана шу мармар лавҳа каршисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг масжидни Ўзбекистон мусулмонлари идораси юрисдикциясига ўтказиш тўғрисидаги Фармони келтирилган айнан ўшандай ўлчамларга эга бошқа бир мармар лавҳа ўрнатилди.

XX аср бошларида масжид ҳовлисида мақсура каршисида бухоролик ҳунарманд Уста Ширин Муродов томонидан, ўзининг эски намунаси бўйича, мукаббирлар учун саккиз қиррали кўшкча барпо этилган. 1935 йилда масжидда ғалла омбори жойлаштирилган, жума намози эса ўша кезларда вактинча Мир Араб мадрасасига кўчирилган эди.

1997 йилда Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Масжиди Калон тўла кайта таъмирдан чикарилди.

* (II-12). Ушбу белги мазкур тарихий ёдгорликнинг китоб дизайнида келтирилган харитадаги тартиб рақамини билдиради.

Норик Б.В. Биобиблиографический словарь. С. 140

Шишкин В.А. Фирман 1541 г. С. 161–167

Норик Б.В. Биобиблиографический словарь. С. 335

МЕЧЕТЬ ДЖАМИ КАЛАН*.
XV в.,. 1514 г., 1541–42 гг.

Как показали археологические исследования, ныне существующей мечетью находятся остатки ещё двух. Нижняя из них и является постройкой Арсланхана. В этом здании из жженого кирпича были сложены: фундаменты, внешние стены, максура (место моления правителей) и входная часть. Галереи имели деревянное перекрытие, опиравшееся на колонны, покрытые, по свидетельству современников, прекрасной резьбой. Арсланхановская мечеть имела те же габариты, что и ныне существующее здание. Это была самая большая мечеть в Мавераннахре до постройки в 1399–1404 годах мечети Биби-Ханым в Самарканде. Вторая мечеть (первая четверть – середина XIV вв.), возведенная на месте первой, была того же типа, но целиком кирпичная.

Третье, существующее сейчас, здание мечети было возведено, предположительно, во время правления Мирзо Улугбека. Это грандиозное сооружение (80×130 м), прямоугольное в плане, вытянуто по оси восток–запад. Внешние стены фланкированы на углах башнями. В центре восточного главного фасада расположен входной портал с пятигранной нишей, перекрытой полукуполом на щитовидных парусах.

Интерьер мечети имеет традиционный прямоугольный двор с четырьмя айванами на осях. Вокруг двора располагаются галереи, перекрытые 288 куполами, опирающимися на колонны. С запада продольная ось здания завершается максурой – главным портально-купольным помещением с крестообразным залом, перекрытым двойным массивным куполом.

Декорация XV в. сохранилась на портале максуры. В ее интерьере ниша михраба и стены были покрыты панелью из бирюзовых майоликовых плиток в цветочном бордюре. Барабан купола охватывала монументальная коранческая надпись, выполненная почерком *куфи* из майоликовых синих, голубых и белых плиток. Выше расположены цветочные, эпиграфические бордюры и сталактитовый карниз, собранные из плиток расписной майолики.

В 1514 году во время правления ʻУбайдаллах-хана (1512–1539 гг.) был предпринят большой ремонт соборной мечети. В помещении максуры устроили новую михрабную нишу, сохранившуюся до наших дней. Она декорирована эпиграфическим и растительным орнаментом из полихромной наборной мозаики. В конце коранической надписи содержится и имя мастера – известного каллиграфа, великолепно писавшего почерком *наста'лик* – Байазида ал-Пурани, сына Султана Абу Са'ида ал-Пурани[1].

Полностью был реконструирован главный восточный фасад и облицовка дворовых тимпанов. В их отделке широко применен шлифованный кирпич и терракота, меньше – мозаика. В 1542 году в нишу входного портала была вмонтирована мраморная доска с текстом указа от имени ʻАбд аль-ʻАзиз-хана – сына ʻУбайдаллах-хана – об освобождении жителей Бухары от некоторых налогов[2], выполненная искусным каллиграфом Мир-шайх ал-Пурани, сыном также известного каллиграфа шайха Нур ад-дина Мухаммада[3]. В 1996 году напротив этой доски вмонтировали мраморную доску того же размера с указом Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова о передаче мечети в юрисдикцию Управления мусульман Узбекистана.

В начале XIX века во дворе мечети перед максурой бухарским мастером Усто Ширин Мурадовым, по образу старого, был возведен восьмигранный киоск для мукаббиров (т.е. высокопоставленных персон). В 1935 году в мечети находился зерновой склад и пятничные моления были временно перенесены в медресе Мир-и Араб.

В 1997 году, в связи с 2500-летним юбилеем Бухары по инициативе Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова мечеть Калан была вновь отремонтирована.

* (II-12) – Место расположения памятника на карте, приведенной в начале книги.

[1] Норик Б.В. Биобиблиографический словарь... С. 140.

[2] В. А. Шишкин. Фирман 1541 г... С. 161–167.

[3] Б.В. Норик. Биобиблиографический словарь... С. 335.

THE KALON MOSQUE*
15TH CENTURY, 1541-1542

As archeological research suggests, there are remnants of two more mosques under the existing mosque. The lower one was built by Arslan-Khan. The foundation, the outer walls, the *maksura* (rulers' praying place) and the entrance were made of fired bricks. The galleries had a wooden overlay resting on columns that, as contemporaries testified, were adorned with amazing inscribed patterns. Arslan-Khan's mosque had the same dimensions as the current structure. It was the largest mosque in Mawarannahr before the construction in 1399-1404 of the Bibi-Hanum Mosque in Samarkand. The second mosque (the first quarter-middle of the 14th century), constructed on the site of the first one, was the same type, but entirely of fired bricks.

The third – current – building is believed to have been erected during the reign of Mirzo Ulughbek. This grand structure (80×130 meters), rectangular in shape, faces from east to west. The outer walls are flanked by towers on the corners. In the center of the eastern façade is an entrance portal with a hexagonal niche covered with a semi-dome on shield-like sails.

The mosque's interior has a traditional rectangular yard with four aiwans (terraces) on axes. Around the yard are galleries crowned with 288 domes resting on columns. From the west, the longitudinal axis of the building concludes with a maksura, the main portal-domed room with a cruciform hall covered with a massive double dome.

The portal of the maksura retains 15th-century decorations. In the interior, the mihrab niche and walls were covered with a panel of turquoise majolica tiles in a colored edge. The dome drum was covered in monumental Quranic inscriptions in the *kufic* script from blue, sky blue and white majolica tiles. Above are an epigraphic skirting and stalactyte cornice put together from majolica tiles.

In 1514, during the reign of ʻUbaidallah-khan (1512–1539), minor repairs were carried out on the mosque. Then a mihrab niche, which is still there, was created in the maksura. It was decorated with epigraphic and foliage ornaments from polychromous mosaic tiles. At the end of the Quranic inscription is the name of the master, Boyazid al-Purani the son of Sultan Abu Sa'id al-Purani[4], a prominent calligrapher proficient in the nasta'liq script.

The main eastern façade and the facing of tympanums were renovated. The finishing features polished bricks and terracotta as well as some mosaic. In 1542, a marble board was fitted into the niche of the entrance portal. The board contained the text of a decree on behalf of ʻAbd al-ʻAziz-Khan, the son of ʻUbaidallah-khan, about the exemption of Bukhara residents from certain taxes[5]. The text was inscribed by skilful calligrapher Mirshaikh al-Purani, the son of a famous calligrapher Nur ad-Din Muhammad.[6] In 1996, a marble board of a similar size was installed in front of this board. It features a decree issued by the President of Uzbekistan Islam Karimov about the transfer of the mosque to the jurisdiction of Uzbekistan Muslim Board.

In the early 19th century, Bukhara master Usto Shirin erected an octagonal kiosk, modeled on the previous sample, for high-ranking figures in front of the maksura. In 1935, the mosque included a grain yard and Friday prayer halls were temporarily moved to the Mir Arab Madrasa.

In 1997, ahead of the 2500th anniversary of Bukhara, the Kalon Mosque was renovated at the initiative of the President of Uzbekistan Islam Karimov.

* (II-12) – The location of the monument on the map provided at the beginning of the book.

[4] B.V. Norik. Bibliographic Dictionary, p. 140.

[5] V. A. Shishkin. Firman, 1541, p. 161–167.

[6] B.V. Norik. Bibliographic Dictionary, p. 335.

Кириш пештокидаги ёзув хаттот Хабибулла Солих томонидан 1979–1980 йилларда эски фотосурат асосида қайта тикланган. Матн йирик-йирик олти бурчакли – мусаддас медальонлар билан бир-биридан ажратилган кирралари ўткир картушлар ичига жойлаштирилган. Унда Қуръони каримнинг «Жумъа» сураси 1–8-оятлари кўк фонга оқ харфлар билан *сулс* хатида ёзилган. Тепасида الملك لله، البقاء لله، السلطان لله – *«Мулк Аллоҳникидир», «Мангулик Аллоҳга хос», «Султонлик – Аллоҳга хос»* каби Аллоҳни улуғловчи калималар кўк рангда *куфий* хатида такроран ёзилган. Матннинг охирида سُبْحانَ ذِي المُلْكِ والمَلكوتِ – *«Ердаги ва осмондаги махлуқот соҳиби ва эгаси [Аллоҳ] покдир»* деган таровеҳ намозидан кейин айтиладиган тасбеҳ ёзилган.

Надпись по периметру входного портала была восстановлена каллиграфом Хабибуллой Салихом в 1979–1980 годах по старой фотографии. Текст забран в остроугольные картуши, разделенные крупными шестиугольными медальонами. Текст представляет собой фрагмент из Корана (62: 1–8), буквы белого цвета на темно-синем фоне. В верхней полосе повторяются формулы, возвеличивающие Аллаха: الملك لله، البقاء لله، السلطان لله – *«Власть принадлежит Аллаху», «Вечность принадлежит Аллаху», «Владычество принадлежит Аллаху»*, написанные почерком *куфи*. В конце текста написана формула, которая обычно читается в конце ночных молитв во время поста (таравих): سُبْحانَ ذِي المُلْكِ والمَلكوتِ – *«Слава Обладателю власти и владычества»*.

The inscription along the perimeter of the entrance portal was restored by calligrapher Habibullo Solikh in 1979–1980 according to an old photograph. The text is fit into acute-angled cartouches separated by large hexagonal medallions. The text is a fragment from the Quran (62: 1–8), with white letters on a dark blue background. The upper stripe features formulas glorifying Allah – الملك لله، البقاء لله، السلطان لله – *«The power resides in Allah», «Eternity resides in Allah alone»* and *«Kingdom belongs to Allah»* inscribed in the *kufic* script. At the end of the text is a formula that is usually recited at the end of night prayers during fasting: سُبْحانَ ذِي المُلْكِ والمَلكوتِ – *«Glory be to God the possessor of the King and the kingdom.»*





Пешток ички равок фризининг ўнг ва ўрта кисмларида Куръони карим «Жумъа» сурасининг 9–11-оятлари, шундан кейин «Тавба» сурасининг 18-ояти кўк фонга ок харфлар билан *сулс* хатида ёзилган. Тепасида الملك لله – *«Мулк Аллохникидир»* каби Аллохни улуғловчи калима фриз бўйлаб оч кўк рангда *куфий* хатида такроран ёзилган.

По фризу (в правой части и середине) арочной ниши входного портала белыми буквами на синем фоне почерком сулс написано продолжение упомянутого айата из Корана (62: 9–11). Затем следует 18-й айат 9-й суры Корана. По верхней полосе светло-синими буквами повторяются формулы вроде الملك لله – *«Власть принадлежит Аллаху»*.

The frieze (the right side and middle) of the arched niche of the entrance portal features the continuation of the said ayat (62: 9–11) in white letters in the thuluth script. Then follows ayat 18 of Surah 9. The upper stripe features the repeating formula الملك لله – *«Power resides in Allah»* in light blue letters.



Пешток равок фризининг ўрта ва кисман чап томонида кўк фонга ок харфлар билан *сулс* хатида хадис битилган.

В средней и отчасти левой части фриза портальной ниши на синем фоне белыми буквами тем же почерком *сулс* написан текст хадиса.

The middle and partly the left side of the frieze of the portal niche feature a hadith in white letters on a blue background in the *thuluth* script.

Матн • Текст • Original text

قال النبي عليه الصلوة و السلام: إِذَا رَأَيْتُمُ الرَّجُلَ يَتَعَاهَدُ الْمَسْجِدَ فَاشْهَدُوا لَهُ بِالإِيمَانِ

Таржима • Перевод • Translation

Пайғамбар (ул зотга салавот ва салом бўлсин) айтдилар: «Агар кишининг масжидга доимий тарзда келаётганини кўрсангиз, унга имон билан[1] гувоҳлик беринг».

«Пророк – благословение и мир ему! – сказал: «Если вы увидите, что человек постоянно появляется в мечети, то засвидетельствуйте ему верой»[2].

The Prophet, peace be upon him! – said: «If you see a man who comes to the Masjid then bear witness to his faith»[3].

[1] Маъноси: «Унинг хакикий мўмин эканлигига ишонч хосил килинг».
[2] В смысле: «Будьте уверены в его искренней и незыблемой вере».
[3] In the sense of: «Be sure of his sincere and unshakable faith».

Ички пешток фризининг чап томонида кўк фонга ок харфлар билан тарихий битик *сулс* хатида битилган. Бирок, охирги сўз кошин парчалари кайсидир таъмирлаш чоғида пала-партиш ёпиштирилганидан шубҳали ўкилмокда. Матн охирида эса сана ёзилган.

На фризе портальной ниши на синем фоне белыми буквами почерком *сулс* написан исторический текст. Однако во время одного из ремонтов последние слова в мозаичном панно смонтирован некорректно, отчего слово читается с сомнениями. В конце текста написана дата строительства.

On the left side of the frieze of the inner portal is an inscription in white letters on a blue background in the *thuluth* script. However, there is difficulty reading the last word due to haphazard arrangement of mosaic tiles during previous renovations. There is a date at the end of the text.

Матн • Текст • Original text





و قد اجاد باحياء هذا البر بعد ما اماته مرور الدهور و من احى ارضا له فى منتهى (؟) فى شهور سنه عشرون تسعمائه

Таржима • Перевод • Translation

Дарҳақиқат, бу савоб ишни асрлар ўтиши туфайли бу (иморат) хароб бўлгандан кейин У[Аллоҳ]нинг ризолиги умидида бу ерни қайта тиклтириб[5], у[6] хайр-саховат қилди. Тўққиз юз йигирманчи йилнинг[7] охирги ойларида [таъмирланди].

И проявил (он[8]) хорошее старание в оживлении[9] этого (здания), после его разрушения, (произошедшего) по истечении веков, и оживил мертвую землю, надеясь сделать Его (Аллаха) довольным в месяцы года девятьсот двадцатого[10].

And (he[11]) put a lot of effort into reviving[12] this (building) with the passage of centuries after its destruction (took place), hoping to make Him (Allah) pleased in the months of the year ninety-nine[13].

[5] Яъни кайта таъмирлаб.
[6] Яъни таъмирлаш хомийси Абдулазизхон.
[7] Мелодий 1515 йил.
[8] То есть донатор Абдулазиз-хан.
[9] То есть в восстановлении
[10] То есть в 1515 году.
[11] i.e. donator Abdulaziz-khan
[12] i.e. in restoration
[13] i.e. in 1515

Масжидга кираверини дарвозаси устига Қуръони каримнинг «Жин» сураси 18-ояти сулс хатида ёзилган. Хаттот – Абдулғафур Раззоқ Бухорий. 1982 йил.

Над входным проемом, ведущим в мечеть, написан фрагмент из Корана (72: 18). Почерк *сулс*, каллиграф Абдулгафур Раззак Бухари. Год восстановления надписи – 1982-й.

Above the doorway leading to the mosque is a fragment from the Quran (72: 18) inscribed in the thuluth script by calligrapher Abdulgaffor Razzoq Bukhari. The inscription was restored in 1982.

Матн • Текст • Original text



قال الله تعالى: وَأَنَّ الْمَسَاجِدَ لِلَّهِ فَلَا تَدْعُوا مَعَ اللَّهِ أَحَدًا

Таржима • Перевод • Translation

Аллоҳ таоло айтди: «Албатта, (барча) масжидлар Аллоҳникидир. Бас, (масжидларда) Аллоҳ билан қўшиб яна бирор кимсага дуо (ибодат) қилманглиз!»

Сказал Всевышний Аллах: «Места поклонения (мечети) для Аллаха. Поэтому не призывайте с Аллахом никого!»

Allah the Almighty said: «And the mosques are for Allah (Alone), so invoke not anyone along with Allah».



1542 йилда бош дарвоза равоғида Убайдуллахоннинг ўғли Абдулазизхоннинг Бухоро аҳолисини айрим соликлардан озод этиш тўғрисидаги фармони матни келтирилган мармар тош ўрнатилган, бу иш таниқли зарринқалам хаттот бўлмиш Нуриддин Муҳаммаднинг ўғли Миршайх ал-Пуроний томонидан амалга оширилган. Бу матн илк бор В. А. Шишкин томонидан ўқилган, рус тилига таржима килиниб чоп этилган[1]. Бу ерда Шишкин таржима килган ва ўкиган матн айрим тузатишлар билан келтирилмокда.

В 1542 г. в нишу входного портала была вмонтирована мраморная доска с текстом указа от имени ʻАбд ал-ʻАзиз-хана, сына ʻУбайдаллах-хана об освобождении жителей Бухары от некоторых налогов, выполненная искусным каллиграфом Мир-шайх ал-Пурани, сыном также известного каллиграфа шайха Нур ад-Дина Мухаммада. Текст был впервые полностью прочитан, переведен и опубликован В.А. Шишкиным[2]. Здесь приведены переводы и прочтения на основе его переводов с некоторыми корректурами.

In 1542, a marble board was fitted into the niche of the entrance portal. The board contained the text of a decree on behalf of ʻAbd al-ʻAziz-Khan, the son of ʻUbaidallah-khan, about the exemption of Bukhara residents from certain taxes. The text was inscribed by skilful calligrapher Mirshaikh al-Purani, the son of a famous calligrapher Nur ad-Din Muhammad. The text was fully read, translated and published by V.A. Shishkin.[3] This books provides translations and readings based on his translations with several corrections.

[1] Шишкин В.А. Фирман 1541 г.. С. 161–167

[2] Шишкин В.А. Фирман 1541 г.. С. 161–167

[3] V.A. Shishkin. Firman, 1541. p. 161–167

Матн • Текст • Original text



در تاریخ شهر ذی الحجة سنه ۹٤۸ ثمان و اربعین و تسعمائه حضرت سلطان کامکار و خاقان معدلت شعار رافع لواية العدل و الإحسان قامعُ ابنية الجور و العُدوان صاحبُ الجود و الكرم و التهور ابو الغازی سُلطان عبدُ العزيز بهادر خلد الله مُلكه و دولته بخشیدند برعایای بلده فاخره بُخارا مبلغ سی و شش هزار تنگچه تقبلی را و هژده هزار تنگچه تفاوت پنج مروی را و بیست و هفت هزار تنگچه توفیری را که مجمُوع هشتاد و یکهزار تنگه میشود و فرمُودند که هر کس که این زر را بعد ازین تاریخ از مردم بستاند در لعنت خدای تعالی و فرشتگان و پیغمبران و سایر خلایق باشد کتبه میرشیخ الپورانی

Таржима • Перевод • Translation

Саодатли ҳазрати султон, адолатни шиор қилган хоқон, адолат ва хайр-эҳсон байроғини баланд кўтарувчи, жабру ситамни йўқ қилувчи, саховат, мурувват ва жасорат эгаси Абулғози султон Абдулазиз Баҳодур (Аллоҳ унинг мулкини ва давлатини абадий қилсин) тарихнинг тўққиз юз қирқ саккизинчи (948) йилининг зулҳиҗжа ойида[4] Фохира – Бухоро шаҳри халқи учун ўттиз олти минг тақаббулий тангачани, ўн саккиз минг тафовутий тангачани, яъни марвий панжани ва йигирма етти минг тавфирий тангачани, жами бўлиб саксон бир минг тангани ҳадя қилди. Ва (Абдулазизхон) буюрдилар: «Ким ушбу йилдан кейин мазкур тиллаларни халқдан ундириб олса, унга Аллоҳ таоло, фаришталар, пайғамбарлар ва барча халқнинг лаънати бўлсин». Буни Миршайх ал-Пуроний ёзди.

В дату месяца зу-лхиджжа года девятьсот сорок восьмого его Высокоприсутствие счастливый султан, хакан, поднявший знамя справедливости и благотворительности, уничтожающий притеснения и несправедливость, обладатель великодушия, щедрости и отваги Абу-л-Гази султан ʻАбд ал-ʻАзиз Бахадур – да продлит Аллах его царствие и владычество! – даровал подданным прославленного города Бухары: тридцать шесть тысяч тангача-йи такаббули[5], восемнадцать тысяч тангача-йи тафавути[6] [по названию] панджа-йи Мервайи и двадцать семь тысяч тангача-йи тауфири[7] – всего восемьдесят одна тысяча танга. И приказал [ʻАбд ал-ʻАзиз-хан]: «Всякий, кто отныне будет эти деньги вымогать у людей, тому будет проклятие Всевышнего Бога, ангелов, пророков и большинства людей». Написал это Шайх ал-Пурани.

In the month of zu-l Hijjah, in nine hundred and forty-eight, his majesty the mighty Sultan, hakan, famous for his justice, raised the banner of justice and charity, the winner of vice and injustice, oppression, the holder of magnanimity, generosity and courage Abul-Ghazi sultan ʻAbd al-ʻAziz Bahadur – may Allah prolong his kingdom and dominion! – Gave his subjects of the famous city of Bukhara: thirty-six thousand tangacha-yi takabbuli[8], eighteen thousand tangacha-yi tafavuti[9] [by name] panja-yi Mervayi and twenty-seven thousand tangacha-yi taufiri[10] - just eighty-one thousand tanga. And [ʻAbd al-ʻAziz-khan]commanded: «Whosoever extorts money from people now will be cursed by Almighty God, angels, prophets, and the majority of people». Shaykh al-Purani wrote.

[4] Мелодий 1542 йил, март ойи.

[5] Буквально «Принимаемые деньги», т.е. местная (бухарская) мелкая серебряная монета, находящаяся в активном обращении.

